Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 21 (21. 140) 1992 йил 29 январь, чоршанба

Баҳоси 35 тийин.

Миср Араб Жумҳурияти Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентига ШАХСИЙ МАКТУБИ

Президент жаноблари!

Ассалому алайкум. Бисмиллаҳир роҳманир роҳим!

Дўст мамлакатингизда демократия асосларини мустаҳкамлашдек кашшофлик фаолиятингиз давомида эришилган муваффақиятлар билан сизни яна бир бор қувонч билан табриклайман ва халқингиз барқарорлиги, тараққиёти, равнақини, бутун дунёда хавфсизликни ва тинчликни қарор топтириш йўлида мамлакатингизнинг жаҳон ҳамжамияти аъзолари билан биргаликда ижобий иштирокини таъминлаш каби самимий муддаоларингизда сизга ва қардош халқингизга муваффақият тилаб билдирган истакларимизни яна бир бор изҳор этаман.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз азалдан муштарак маърифат ва маданият ришталари билан боғланган бўлиб, бу ришталар муштарак дини ислом ва юксак мақсадлар ҳамда мерос билан мустаҳкамланган. Бу меросни бойитишда мамлакатингизнинг буюк алломалари иштирок этганлар ва дини исломнинг худо ёрлақаган ал Азкар маёғи орқали уни сақлаб қолишда биз ҳам қатнашганмиз ва қатнашмоқдамиз.

Мамлакатларимизни яна ҳозирги босқичдаги, айниқса, жумҳуриятингиз Совет Иттифоқининг муҳим ва салмоқли қисмини ташкил этиб турган 50-йиллардан бошлаб мустаҳкам ҳамкорлик муносабатлари ҳам бирлаштириб турган эди.

Олис ва яқин ўтмишимиздаги ана шу тарихий шароит, шубҳасиз, ривожлантираверишимиз лозим бўлган муштарак манфаатларимизга қўшилиб, барча соҳаларда ўртамиздаги самарали ҳамкорликни келгусида мустаҳкамлаш учун замин яратди.

Сизга маълумки, биз Мисрда марказлаштирилган ва буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ва хусусий тармоқни рағбатлантириш йўлига яқин пайтда ўта бошладик. Бу йўл бизга кўпгина фойдали сабоқ берди. Айни вақтда биз тузилмалардаги тартибсизликларни бартараф этиш учун иқтисодий ислоҳотларнинг мукаммал иқтисодий ислоҳот дастурини амалга ошира бошладик. Халқаро молия ташкилотлари ва сармоядор давлатлар билан узлуксиз алоқаларимиз туфайли бу дастурни амалга ошириш жадал бормоқда. Учрашувларимиз чоғида умумий манфаатларни кўзлаб, мана шу масалаларни кўриб чиқишни таклиф этмоқчимиз. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари ва режалаштириш вазири доктор Камол ал-Ганзури шу масалаларни ойдинлаштириб бериши мумкин.

Ташқи сиёсат соҳасига келганда эса, Миср Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) муассисларидан бири (ҳозирги вақтда ватандошларимиздан бири унинг Бош котибидир), шунингдек, қароргоҳи Қоҳирада жойлашган Араб Мамлакатлари Уюшмасининг муассис аъзоси (бу ташкилотнинг ҳам Бош котиби мисрликдир) бўлган давлат сифатида маҳаллий ва халқаро миқёсда қандай вазифаларни бажараётганини шубҳасиз, яхши биласиз. Бунга Африка Бирлиги Ташкилотининг, Ислом Анжумани Ташкилотининг ва Қўшилмаслик ҳаракатининг муассисларидан бири сифатида Миср қандай вазифаларни бажараётганини ҳам илова қилиш мумкин, бундан ўн йилдан зиёдроқ олдин биз Яқин ва Ўрта Шарқда тинчлик ўрнатиш юзасидан бошлаб берган ва ҳозир бошқа мамлакатлар билан биргаликда муваффақиятли тугаллашга ҳаракат қилаётган кенг миқёсли ва мислсиз ташаббус тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Ҳузурингизга борадиган ва ушбу мактубни топширадиган делегация моддий ва маънавий маданият соҳасидаги ўзаро муносабатларимизни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, турли соҳалардаги самарали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш қатъий истаги ва самимий умидини изҳор этади. Мен делегацияга турли соҳаларда сизнинг дўст мамлакатингиз билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўллари тўғрисида сизнинг нуқтаи назарингиз ва фикрингиз билан танишиш учун ҳамда мана шу ҳамма масалалар юзасидан бизнинг фикримизни сизга етказиш учун сизнинг ва сиз лозим топган масъул шахсларнинг фикрини эшитиш ҳақида аниқ ва равшан кўрсатма бердим.

Миср билан сизнинг дўстона мамлакатингиз ўртасида дипломатия ва консуллик муносабатларини ўрнатиш истагимизни эътборингизга яна бир бор етказиш учун шу фурсатдан фойдаланаман. Сиз жаноб олийларига Мисрга келиш таклифини етказиш учун ҳам шу фурсатдан фойдаланаман ва яқин келажакда ўзингиз учун қулай бўлган пайтда Мисрга келасиз, деб астойдил умид қиламан.

Шахсан сизга, халқингизга ва дўстона мамлакатингизга табриклларим ва самимий истакларимни қабул этгайсиз.

Оллоҳнинг меҳр-шафқати ва раҳмати, тинчлик сизга ёр бўлсин!

Муҳаммад Ҳусни МУБОРАК.

Миср Араб Жумҳурияти Президентининг шахсий мактубини Миср Араб Жумҳурияти ҳукумат делегацияси Тошкентда бўлган вақтида топширган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ Д. С. ЁДГОРОВНИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси конституциявий Қонунининг 1 ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ Дамир Солиҳович Ёдгоров Бухоро вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ Б. РАПИҒАЛИЕВНИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси конституциявий Қонунининг 1 ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ Бургутали Рапиғалиев Наманган вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.

Чорвачиликни сердаромад соҳага айлантиришнинг ўзи бўлмайди. Косонсой районидаги «Шарқ юлдузи» давлат хўжалигида чорвачилик биринчи нархда рентабелли соҳага айланди. Бунинг учун эса кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Эндиги мўлжал камида ўттиз минг сўмлик фойда олишдир.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) Олчимат ва Фазилат Рисқуловалар оиласи гўшт етиштиришда пешқадамлик қилмоқда. Пастдаги суратда эса ўз ишининг устаси, сут соғувчи Маҳфират Зоҳидова.

А. КОВТУН (ЎзТАГ) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН ҲАРБИЙ ҚИСМЛАР ВА ҲАРБИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг Асослари тўғрисида»ги Қонунга ва 1991 йил 30 декабрда Минск шаҳрида тузилган Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги қатнашчиси бўлган давлатлар бошлиқларининг кенгаши томонидан тузилган Қуролли Кучлар ва Чегара қўшинлари тўғрисидаги битимга мувофиқ, 1992 йил 1 февралдан бошлаб умумий қўшинларни пул билан таъминлаш собиқ Иттифоқ структуралари томонидан тўхталишини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Собиқ СССР Қуролли Кучларининг республика ҳудудида жойлашган қисмлари, қўшилмалари, бирлашмалари, ҳарбий ўқув юртлари, муассасалари, ташкилотлари, бошқа ҳарбий тузилмалари Ўзбекистон Республикасининг юрисдикциясига олинсин, стратегик кучлар таркибига кирадиган ва Қуролли Кучларнинг бирлашган қўмондонлигига бўйсунадиган ҳарбий қисмлар бундан мустаснодир. (Рўйхат алоҳида баённда белгилаб берилади).

2. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиёт қўмитаси (ўртоқ А. С. Маҳмудов), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (ўртоқ Э. Ж. Боқибоев), Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги (ўртоқ Р. Ў. Аҳмедов) биргаликда Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига олинган қўшинларга пул ажратиш ва уларнинг моддий-техника таъминотига доир масалаларни қараб чиқсинлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг юрисдикциясига ўтадиган ҳарбий тузилмаларнинг командирлари шахсий состав ўз зиммасига юклатилган вазифаларни сўзсиз бажаришини таъминласинлар, бунда Ўзбекистон Республикаси барча ҳарбий хизматчилар, ҳарбий ташкилотларнинг ишчи ва хизматчилари ҳамда уларнинг оила аъзолари, шунингдек, собиқ СССР Мудофаа вазирлигининг пенсионерлари ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишига кафолат бериши назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 14 январь.

ҲАММАМИЗ БИР ЕҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ, ЎЗБЕКИСТОНДА ОСОЙИШТАЛИК БЎЛИШИ, УНИНГ ГЎЛЛАБ-ЯШНАШИ, МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ РОСТ БЎЛИШИ ЙЎЛИДА, МИЛЛАТИМИЗГА, ХАЛҚЛАРИМИЗГА СИДҚИДИЛДАН, ҲАЛОЛ, ВИЖДОНАН, БОРИНИ БАҒИШЛАБ ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА ЧИНАКАМ ҚУМАҚДОШ БЎЛАЙЛИК!

(Ўзбекистон Халқ демократик партияси бир гуруҳ фаолларининг бутун халққа, сиёсий партия ва ҳаракатларига МУРОЖААТИДАН).

ОСОЙИШТАЛИК САҚЛАНАДИ

Сирдарё давлат дорилмуаллимининг кундузги бўлимида 3,5 мингга яқин ёшлар таълим оладилар. У вилоятдаги йирик олий таълим даргоҳидир.

Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасида рўй берган воқеалар муносабати билан биз дорилмуаллим ректори, тарих фанлари доктори профессор Комил ЭШЧОНОВга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Комил Эшчонович, Тошкентдаги Талабалр шаҳарчасида рўй берган воқеаларга билим даргоҳингизда қандай муносабат билдирилмоқда?

— Бундай тартибсизликларни асло оқлаб бўлмайди. Нарх-наволарнинг кўтарилишидан фақат талабаларгина эмас, балки ҳаммамиз ташвишдамиз.

Энди гап шундаки, кўпчиликни ларзага соладиган ижтимоий сиёсий ва ҳаётий тадбирлар амалга оширилаётганида тегишли раҳбар ўртоқлар хушёр бўлишлари, зарур тадбирий чораларни кўриб қўйишлари лозим эди.

Ўз ҳаётимиздан мисол келтирай. Институтимиз ётоқхонаси қошидаги озиқ-овқат магазини ярим ойдан бери, шаҳар нон заводига қарашли нон ёпиш цехи эса бир ойдан бери ишламаётган эди. Сабабини сўрасак сотувчи қидирмоқдамиз, у йўқ, бу йўқ дейишарди. Мана кечаги Тошкент воқеаларидан сўнг бир кун ичида нонвойхона ҳам ишлаб қолди, дўконимиз ҳам очилди. Демак, қилса бўлар экан-ку.

Ошхонамиздаги аҳвол яхши эмас. Кўпдан бери гўшт берилмайди, Баъзан шаҳар умумий овқатланиш корхонасидаги ўртоқлар гўштни ўзингиз топинглар дейишади.

Биз қайси йиғилишга бормайлик ошхона, ётоқхона муаммоларини ўртага қўямиз. Вилоят, шаҳар раҳбарлари талаб ва истакларимизга «хўп» дейишади-ю, лекин аҳвол ўзгармайди.

Бизнинг республика Халқ таълими вазирлигига ҳам баъзи эътирозларимиз бор. Жумладан, ҳар ойда бир миллион 200 минг сўмлик ўқитувчиларимизга ойлик иш ҳақи ва талабаларимизга стипендия тарқатишимиз керак. Лекин вазирликдаги тегишли ўртоқлар шуни билганлари ҳолда бизга ойига 250 минг сўм атрофида пул ўтказадилар, холос. Шу туфайли йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида стипендияларни кечикиб тарқатдик. У ёққа — бу ёққа шикоят қилганимиздан сўнг вазирлик бизга 3,5 миллион сўм пул ажратди. Беихтиёр яна ўйланасан: демак, бу ишни жанжалсиз амалга оширса бўлар экан-ку.

Юқори идораларнинг кўрсатмаларидан сўнг бўлса керак ҳозир катта — кичик раҳбарлар ҳар куни холаҳвол сўраб институтга келиб турибдилар. Беихтиёр шунчалик меҳрибон экансиз, олдинроқ қаёқда эдингиз дегинг келади.

Биз у ёки бу тартибсизликлар, норозиликлар келиб чиққандан кейингина елиб-югуриб қоламиз.

Ҳар қандай дарднинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун эса хушёр, зийрак ва меҳрибон бўлишимиз, ўз ишимизни бир меъёрда ташкил эта билишимиз лозим.

— Бўлиб ўтган воқеалардан қандай хулосалар чиқарилмоқда.

— Биз барча гуруҳлар факультетларнинг талабалари билан учрашувлар ўтказиб кўнгилдан суҳбатлашдик. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ўқитувчилар, талабаларнинг ойлик иш ҳақлари ва стипендияларини ошириш ҳақидаги фармонини атрофлича ишлаб чиқдик, ҳаммага етказдик. Уч кун ичида ҳаммани купон билан таъминлаган эдик. Ҳозир эса ҳукуматнинг қарорига биноан талабаларга оширилган стипендияларни тарқатмоқдамиз. Ошхона, ётоқхона, савдо-сотиқ дўконлари, новвойхона ишларини тубдан яхшилаш чораларини кўрмоқдамиз.

Айни пайтда тарбиявий, ўзаро ўртоқлик ҳамкорлик масалаларига катта эътибор бермоқдамиз. Талабаларимизнинг сиёсий онгини оширишга эътиборни кучайтиришимиз керак.

Биз Тошкент Талабалар шаҳарчасида рўй бергани каби хунук воқеаларнинг олдини олиш учун лозим бўлган барча тадбир чораларни ишга соламиз. Билим даргоҳида, юртимизда осойишталикни сақлаймиз.

А. УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЮЗ СЎМДАН ЁРДАМ ПУЛИ

16 январь куни Тошкентда Талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган нохуш воқеа ҳаммани ташвишга солди. Куни кеча Наманган муаллимлар тайёрлаш олийгоҳида бўлиб ўтган митингда ҳам шу хусусда сўз юритилди. Митингда ислом дини вакиллари, кўп сонли талабалар ҳамда профессор-ўқитувчилар иштирок этдилар.

УМАРХОН ҲОЖИ ЮСУФХОН ўғли, вилоят диний уламолар ҳайъатининг раиси:

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим, муҳтарам укалар, ҳурматли муаллимлар, сизларга маълумки, ўзбек миллати ўзининг иймони, эътиқоди, билими билан дунёга машҳур. Авлодларимиздан буюк алломалар етишиб чиққан пайтда ҳам динимиз ривож топган эди. Биз 70 йилдан буён динимизни, Ислом таълимотини оммага етказишдан узоқ бўлдик. Шу боис меҳр-оқибат, ахлоқ-одоб борасида нуқсонларга йўл қўйилди. Худога шукурки, шу кунларга етдик. Жумҳуриятимиз қон тўкилишларисиз тинч йўл билан мустақил бўлди. Энди уни ҳимоя қилиш керак. Бирикки киши бунинг уддасидан чиқолмайди. Зеро битта оилани бошқариш қандай қийин эканлигини бир тасаввур қилиб кўринг. Шундоқ экан, барча мусулмонлар, аҳли мўмин муҳтарам Президентимиз атрофига жипслашишлари лозим. Бу ўринда сизлар ишончли вакил бўласизлар. Бунинг учун эса пухта билимли, иймон-эътиқодли мураббийлар бўлиб етишишларингиз керак. Қуръони каримда ҳам дунёвий билимларни пухта эгаллаш, барча жонзотларга меҳр-мурувватли, одамлар эса бир-бирига биродар бўлиши айтилган. Аллойи таоло Ислом Каримовни қўллаб-қувватласин. Халқимизни, миллатимизни тўғри йўлдан бошлаб боришга куч-қувват ато этсин. Ҳажга бориш ниятлари вожиб бўлсин.

А. ШАРИПОВ — Олийгоҳ тарбия ишлари бўйича ректор муовини, юридик фанлари номзоди, доцент: —

Ҳозирги кундаги воқеалар, айниқса, талабалар шаҳарчасидаги ҳодиса ҳаммамизни ҳушёрликка чақиради. Ҳозир ақл-заковот билан иш юритиш лозим. Айни пайтда тақчиллик, қийинчиликлар ҳаммаси ўтиб кетади. Биз кўрган қийинчилик, қаҳатчилик асло бўлмасин.

А. МАВЛОНОВ — физика-техника факультетининг 5-курс талабаси, ёшлар уюшмасн котиби: — Талабалар аҳволини ҳисобга олиш керак. Уларга шарт-шароит яратиб берилмагани, пулларни ўз вақтида олмагани сабаб бўлиши мумкин. Талабага осон тутиб бўлмайди. Ҳозирги иқтисодий танглик шароитида уларни ҳимоялаш тўғрисида олдинроқ қайғуриш керак эди. Уларнинг талаб истакларини ўрганиш лозим. Мана шундай қилинганида кўнгилсиз ходиса рўй бермаган бўлур эди.

Бизнинг олийгоҳимизда талабаларга ғамхўрлик қилинмоқда. Ётоқхоналар ошхоналарда овқатларнинг нархи кўтарилганича йўқ. Таомлар сифати яхшиланяпти. Талабалар учун санаторий-профилакторий учун бепул йўлланма берилмоқда. Хуллас, талаб ва эҳтиёжларимиз ўз вақтида қондириляпти. Бу ўринда ҳурматли устозларимиз, маҳаллий ҳукуматнинг ёрдамини сезиб турибмиз. Талабаларнинг стипендиялари 2,2 баробар ошди. Эндиликда биз Президентимизнинг ғамхўрлигига пухта билим олиш билан жавоб беришимиз лозим.

Шунингдек митингда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, доцент Т. Ғознев, олийгоқ касаба уюшмаси раиси М. Мирзаакбаров, вилоят ветеранлар кенгаши аъзоси, вилоят меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси раиси Н. Тожибоев, вилоят ёшлар иттифоқи уюшмаси раиси М. Жўрабоевлар сўзга чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

А. МАДАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ТИКЛАНДИ

НАВОИЙ, 28 январь, (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Бухоро ва Самарқанд вилоят кенгашларининг қўшма ташкилий сессияси бўлди. Унда аввалги Навоий вилояти районлари ва шаҳарларидан сайланган халқ депутатлари қатнашдилар. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мазкур вилоятни тиклашга қарор қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади. Унинг тавсиясига биноан сессия халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг раиси бўлиб ишлаган Абдуҳолиқ Абдурахмонович Айдарқуловни Навоий вилоятининг ҳокими этиб сайлади.

А. А. Айдарқулов 1942 йилда туғилган, қозоқ, олий маълумотли, инженер-механик, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари илмгоҳини тугатган. Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

* * *

Бугун Бухорода халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Сессия Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг тавсиясига биноан халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг раиси Дамир Солиҳович Ёдгоровни Бухоро вилоятининг ҳокими этиб сайлади.

Д. С. Ёдгоров 1937 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, Тошкент қишлоқ хўжалик илмгоҳини тугатган, педагогика фанлари номзоди. Кейинги йилларда халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессияда сўзга чиққан республика Президенти И. А. Каримов депутатларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди.

* * *

Наманганда халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Ташкилий масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсиясига биноан Наманган вилояти ҳокими лавозимига халқ депутатлари Поп район кенгашининг раиси Бургутали Рапиғалиев номзоди таклиф этилди. Депутатлар шу номзод учун овоз бердилар.

Бургутали Рапиғалиев 1935 йилда Поп районидаги Хўжаобод қишлоғида туғилган. Тошкентдаги молия-иқтисод илмгоҳини битирган. Меҳнат фаолиятини 1957 йилда Поп район молия бўлимининг катта инспектори лавозимидан бошлаган. Наманган вилоят маҳаллий саноат бошқармасининг директори, «Узплодоовощпром» вилоят бирлашмасининг раиси бўлиб ишлади. Б. Рапиғалиев 1986 йилдан 1990 йилга қадар вилоят деҳқончилик-саноат бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари бўлди. 1990 йилдан буён халқ депутатлари Поп район кенгашининг раисидир.

(ЎзТАГ).

• ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг халқимизга Мурожаати ва Президентимиз И. А. Каримовнинг Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида сўзлаган нутқи барчанинг диққат марказида турибди. Унинг олдин ўйла, кейин сўйла, қабилида битилган ҳар бир сатри элимизда содир бўлаётган воқеалар ҳақида фикр юритишга мажбур этмоқда.

Ҳақиқатан ҳам нималар бўляпти ўзи? Кечагина умумхалқ референдумида Ўзбекистон мустақиллигини якдиллик билан ёқлаб чиққан, ўзининг биринчи Президентини сайлаган халқимиз нима сабабдан бугун ташвишда? Собиқ марказдан мерос қолган ёки ошкоралик муҳитида пайдо бўлган оммавий ахборот воситалари Тошкентда оммавий ғалаёнлар рўй берганлиги, талабалар билан милиционерларнинг тўқнашуви натижасида қон тўкилганлиги ҳақида хабар беришга шошилдилар.

Бозор муносабатларини жорий этиш, айримлар ўйлаётганидек, раҳбарларимизнинг ҳоҳиши эмас, балки тараққиётнинг объектив талабидир. Шу нарсани яхшилаб тушуниб олишимиз даркор: иқтисодиётимизни инқироз гирдобидан чиқариб олиб, сўнгра бозор муносабатларига ўтиш жадал ишдир. Аксинча, бозор муносабатларига ўтиш натижасидагина халқ хўжалигимизни, турмушимизни юксалтиришимиз мумкин.

Бозор қонунлари асосида фақат иқтисодиётнигина эмас, бутун ҳаётимизни тубдан қайта қуриш — оғир ва машаққатли, силлиқ ўтмайдиган нарсадир. Республика ҳукумати масаланинг ана шу жиҳатини ҳисобга олган ҳолда нарх-навони эркинлаштиришга энг охирида ўтди ва бошқа жумҳуриятларга нисбатан энг зарур моллар учун пастроқ нархлар ўрнатди. Айни пайтда ишчи ва хизматчиларнинг маошлари, талабаларнинг стипендияси, фахрийлар ва ногиронларнинг нафақалари жиддий тарзда кўпайтирилди. Энг паст иш ҳақининг ойлик ўртача миқдори 350 сўм, деб белгиланди. Кўп болали оилаларга енгилликлар берилди. Талабалар овқатланиши учун сарф-харажатнинг бир қисмини давлат ўз зиммасига олди. Ички истеъмол бозорини ҳимоялаш мақсадида купон тизими жорий қилинди. Хуллас, халқимизга қийин бўлган шу дамларда Президент ва ҳукуматимиз қўл қовуштириб турганлари йўқ. Туну-кун халқ ғамида бўлиб, унинг оғирини енгиллатиш устида бош қотирмоқдалар. Жумладан, яқин келажакда ойлик маошларнинг ўртача миқдорини 1000 сўмга етказиш, шу йилнинг кузига бориб иқтисодий тушкунликни тўхтатиш йўлларини қидирмоқдалар.

Фақат ичиқора нопок, ҳудбин кишиларгина буларни кўрмаяптилар, аниқроғи била туриб ўзларини билмасликка оляптилар. Энг даҳшатлиси шуки, улар жамиятдаги қийинчиликлардан, халқимиз бошига тушган оғир мусибатдан фойдаланиб қолишдан ҳам тортинмаяптилар. Талабалар шаҳарчасидаги кўнгилсиз воқеалар ана шу жиноий ҳаракатнинг бир кўринишидир.

Республикамизда кейинги пайтларда амалга оширилаётган шундай хайрли ишларни, чуқур ўзгаришларни ҳазм қилолмаётган кучлар ўз уйимизда ҳам, унинг ташқарисида ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги уларнинг томоғига тиқилиб қолган суяк бўлди. Юртимизнинг беҳисоб бойликларидан айрилиш, меҳнаткаш халқимизга хўжайинчилик қилишдан, буйруқ бериб туришдан маҳрум бўлиш уларга тинчлик бермаяпти. Улар ўзбек халқининг ўзлигини таниб олишини, ўз юртига, бойликларию тақдирига ўзи хўжайин бўлишини, бошқа миллат ва элатлар билан аҳил оға-инидек яшашини, Ўзбекистоннинг жаҳон халқлари оиласидан муносиб ўрин эгаллашини эмас, йўқ аксинча, элимизнинг нотинч ноосойишта бўлишини, Фарғона ва Паркент фожиаси такрорланиб туришини истайдилар. Шу боисдан ҳам пайт пойлаб, қўққисдан ҳамла қилиш, кутилмаганда жумҳурият халқига, унинг раҳбариятига зарба бериш бундай кучларнинг касби-корига айланди, десак хато бўлмас.

Ёвуз ниятлилар бу гал эркин нархларга ўтиш натижасида жамиятда юз берган ижтимоий кескинликдан усталик билан фойдаланмоқчи бўлдилар. Агар Ўзбекистон Республикасини 45 давлат томонидан расмий равишда танилиб, уни БМТга қабул қилиш масаласи кўрилаётганлигини ҳам ҳисобга олсак, вазият нақадар нозик эканлигини тушуниш қийин эмас.

Вақт ўтиши билан шикастланган бинолар тикланади, тошбўрону ўқ отишлар пайтида олинган яралар битади, ҳаёт ўз маромига тушади, лекин фожианинг қалблардаги изи қолади. Шунинг учун бўлиб ўтган воқеалардан сабоқ олиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Ёшларимиз учун энг катта сабоқ шуким, ҳуқуқий давлат пойдевори қурилаётган жамиятимизда адолатсизликлар, камчиликлар, ярамас иллатларга қарши ҳисҳаяжон, ғайриқонуний воситалар ёрдамига таяниб эмас, балки ақл-заковат ишлатиб, қонун асосида курашгандагина кутилган натижаларга кераксиз қурбонликларсиз эришиш мумкин. Замирида энг яхши ниятлар ётган бўлса-да қилинган тўполонлар, тартибсизликлару ур-йиқитишларни оқлаб бўлмайди.

Мустақил ҳаёт йўлида дастлабки қадамлар қўйган йигит-қизларимизга яна бир ўгит: ҳар бир ҳодиса ва воқеа тўғрисида етти ўлчаб, бир кесиш асосида хулоса чиқаришга, оқни қорадан, дўстни душмандан ажратиб олишга доимо ҳаракат қилинг, миш-мишларга ишонманг, ғиёбларга учманг, кучғайратингиз ва билимларингизни жонажон Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши, дунёдаги илғор мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун сарфланг!

Биз катталар учун асосий сабоқлар шундан иборатки, хунук воқеаларнинг келиб чиқишига ўзлари тушунмай, бировларнинг қўлида қурол бўлган ёшларимиз эмас, кўпроқ уларнинг тарбияси топшириб қўйилган, турмуш шароитларини яратиб бериш зиммаларига юклатилган мутасадди кишилар айбдордирлар.

Тартибсизликларнинг сабаблари аниқланади, қонунни бузганлар жавобгарликка тортилади, шубҳасиз. Лекин ҳақиқатнинг тагига етмоқ учун талабаларнинг норозилигидан ўз гаразли ниятлари учун фойдаланишга ҳаракат қилган ярамас кишиларнинг ниқобини йиртиб ташлаш, уларни одил суд қўлига топшириш ҳам зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шу кунларда республика ҳукумати ва Тошкент шаҳар ҳокими вазиятни барқарорлаштириш, тўполонлар пайтида зарар кўрган биноларни таъмирлаш, талабаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Президентимиз И. А. Каримов ёшларимизнинг барча муаммоларини ҳал қилиб беришга ваъда берди. Унинг ўз сўзи устидан чиқишини ҳамма яхши билади. Республика Олий Кенгаши Раёсати бутун халқимизга мурожаат қилиб, тотувлик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидай асрашга даъват этмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси партия ташкилотлари, барча партия аъзоларини келажагимиз бўлган ёшларни етук мутахассис ва ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялаш, талабаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш борасида қилинаётган саъйи-ҳаракатларга фаол кўмаклашишга чақирди.

Талабалар шаҳарчасидаги воқеалар истиқлол йўлини танлаган Ўзбекистонимизни, заҳматкаш халқимизни маъмурий-буйруқбозлик бошқариш усулларидан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида турли қийинчиликлар кутаётганлиги ҳақида огоҳлантирмоқдалар. Ҳа, танлаган йўлимиз тўғри, аммо осон йўл эмас, бу янги синовларга бардош беришни тақозо этади. Уни тезроқ қурбонларсиз босиб ўтиш, ўзимизга, фақат ўзимизнинг ақл-идрокимизга, самарали меҳнатимизга, аҳиллигу бирлигимизга боғлиқдир. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, тақдиримиз ўз қўлимиздадир.

Собир ҚУРБОНОВ,

ТАҚДИРИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ҳа, Тошкентдаги айрим олий ўқув юртлари талабалари 16 январь куни нархларнинг эркинлашуви муносабати билан норозилик билдириб, кўчага чиққанликлари рост. Ушбу норозиликлар тез орада тартибсизликларга айланиб, вайронагарчиликларга, қон тўкилишига олиб келганлиги ҳам чиндир. Аммо ушбу далилларни расмий доиралар мутлақо яширмаётган, унинг сабабларини аниқлашга уринаётган, учқундан аланга чиқишига йўл қўймаётган бир пайтда бу ҳақда ичиқоралик билан гапириш ва ёзиш инсофдан эмас.

Очиғини айтиш керак, Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасида рўй берган фожиа ҳар бир пок қалбни ларзага келтирди. Албатта, биз бозор иқтисодиётига ўтиш, нархнавонинг эркинлашуви натижасида жиддий қийинчиликларга учрашимиз, норозиликлар бўлишини билар эдигу, аммо унинг бундай оқибатларга олиб келишини тасаввур этмаган эдик. Надоматлар бўлсинким, бекорга қон тўкилди, беўрин қурбон берилди.

Лекин қўлимизни кўксимизга қўйиб, бир биримиздан сўрайлик: хўш, янги қийинчиликларни енгиш, муаммоларни ечиш учун шундай қурбон берилиши зарурмиди? Ёинки жумҳуриятимиз раҳбариятининг иқтисодий-ижтимоий сиёсати бунга мажбур этдими? Оқни оқ, қорани қора десак, виждонимизни сариқ чақага сотмаган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсатини эҳтиёткорлик билан, аҳолини, айниқса унинг ночор табақаларини, ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўриш асосида амалга ошираётганлигини тан олишимиз керак. Собиқ совет республикалари бўлган барча мустақил давлатлар эркин нарх-навога ўтгандан кейингина биз ҳам шундай тадбирни қўллашга мажбур бўлганимиз сир эмас.

Шундай бўлса-да бозор иқтисодиётига ўтиш биз учун шартмиди ёки олдин иқтисодиётимизни тиклаб, халқимизнинг турмушини яхшилаб, кейин шу ишни қилсак бўлмасмиди, дейдиган кишилар орамизда ҳозир ҳам йўқ эмас. Аммо бутун маърифатли дунё, барча ривожланган мамлакатлар бозор иқтисодиётига аллақачон ўтган, унинг самарасидан баҳраманд бўлаётган бир шароитда Ўзбекистоннинг якка ўзи эски тартибларга ёпишиб олиб, бошн берк кўчага олиб келган йўлдан боришни давом эттириши ҳеч бир мантиққа тўғри келмайди. Демак, бозор муносабатларини жорий этиш, айримлар ўйлаётганидек, раҳбарларимизнинг ҳоҳиши эмас, балки тараққиётнинг объектив талабидир. Шу нарсани яхшилаб тушуниб олишимиз даркор: иқтисодиётимизни инқироз гирдобидан чиқариб олиб, сўнгра бозор муносабатларига ўтиш натижасидагина халқ хўжалигимизни, турмушимизни юксалтиришимиз мумкин.

Бозор қонунлари асосида фақат иқтисодиётнигина эмас, бутун ҳаётимизни тубдан қайта қуриш — оғир ва машаққатли, силлиқ ўтмайдиган нарсадир. Республика ҳукумати масаланинг ана шу жиҳатини ҳисобга олган ҳолда нарх-навони эркинлаштиришга энг охирида ўтди ва бошқа жумҳуриятларга нисбатан энг зарур моллар учун пастроқ нархлар ўрнатди. Айни пайтда ишчи ва хизматчиларнинг маошлари, талабаларнинг стипендияси, фахрийлар ва ногиронларнинг нафақалари жиддий тарзда кўпайтирилди. Энг паст иш ҳақининг ойлик ўртача миқдори 350 сўм, деб белгиланди. Кўп болали оилаларга енгилликлар берилди. Талабалар овқатланиши учун сарф-харажатнинг бир қисмини давлат ўз зиммасига олди. Ички истеъмол бозорини ҳимоялаш мақсадида купон тизими жорий қилинди. Хуллас, халқимизга қийин бўлган шу дамларда Президент ва ҳукуматимиз қўл қовуштириб турганлари йўқ. Туну-кун халқ ғамида бўлиб, унинг оғирини енгиллатиш устида бош қотирмоқдалар. Жумладан, яқин келажакда ойлик маошларнинг ўртача миқдорини 1000 сўмга етказиш, шу йилнинг кузига бориб иқтисодий тушкунликни тўхтатиш йўлларини қидирмоқдалар.

Фақат ичиқора нопок, ҳудбин кишиларгина буларни кўрмаяптилар, аниқроғи била туриб ўзларини билмасликка оляптилар. Энг даҳшатлиси шуки, улар жамиятдаги қийинчиликлардан, халқимиз бошига тушган оғир мусибатдан фойдаланиб қолишдан ҳам тортинмаяптилар. Талабалар шаҳарчасидаги кўнгилсиз воқеалар ана шу жиноий ҳаракатнинг бир кўринишидир.

Республикамизда кейинги пайтларда амалга оширилаётган шундай хайрли ишларни, чуқур ўзгаришларни ҳазм қилолмаётган кучлар ўз уйимизда ҳам, унинг ташқарисида ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги уларнинг томоғига тиқилиб қолган суяк бўлди. Юртимизнинг беҳисоб бойликларидан айрилиш, меҳнаткаш халқимизга хўжайинчилик қилишдан, буйруқ бериб туришдан маҳрум бўлиш уларга тинчлик бермаяпти. Улар ўзбек халқининг ўзлигини таниб олишини, ўз юртига, бойликларию тақдирига ўзи хўжайин бўлишини, бошқа миллат ва элатлар билан аҳил оға-инидек яшашини, Ўзбекистоннинг жаҳон халқлари оиласидан муносиб ўрин эгаллашини эмас, йўқ аксинча, элимизнинг нотинч ноосойишта бўлишини, Фарғона ва Паркент фожиаси такрорланиб туришини истайдилар. Шу боисдан ҳам пайт пойлаб, қўққисдан ҳамла қилиш, кутилмаганда жумҳурият халқига, унинг раҳбариятига зарба бериш бундай кучларнинг касби-корига айланди, десак хато бўлмас.

Ёвуз ниятлилар бу гал эркин нархларга ўтиш натижасида жамиятда юз берган ижтимоий кескинликдан усталик билан фойдаланмоқчи бўлдилар. Агар Ўзбекистон Республикасини 45 давлат томонидан расмий равишда танилиб, уни БМТга қабул қилиш масаласи кўрилаётганлигини ҳам ҳисобга олсак, вазият нақадар нозик эканлигини тушуниш қийин эмас.

Вақт ўтиши билан шикастланган бинолар тикланади, тошбўрону ўқ отишлар пайтида олинган яралар битади, ҳаёт ўз маромига тушади, лекин фожианинг қалблардаги изи қолади. Шунинг учун бўлиб ўтган воқеалардан сабоқ олиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Ёшларимиз учун энг катта сабоқ шуким, ҳуқуқий давлат пойдевори қурилаётган жамиятимизда адолатсизликлар, камчиликлар, ярамас иллатларга қарши ҳисҳаяжон, ғайриқонуний воситалар ёрдамига таяниб эмас, балки ақл-заковат ишлатиб, қонун асосида курашгандагина кутилган натижаларга кераксиз қурбонликларсиз эришиш мумкин. Замирида энг яхши ниятлар ётган бўлса-да қилинган тўполонлар, тартибсизликлару ур-йиқитишларни оқлаб бўлмайди.

Мустақил ҳаёт йўлида дастлабки қадамлар қўйган йигит-қизларимизга яна бир ўгит: ҳар бир ҳодиса ва воқеа тўғрисида етти ўлчаб, бир кесиш асосида хулоса чиқаришга, оқни қорадан, дўстни душмандан ажратиб олишга доимо ҳаракат қилинг, миш-мишларга ишонманг, ғиёбларга учманг, кучғайратингиз ва билимларингизни жонажон Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши, дунёдаги илғор мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун сарфланг!

Биз катталар учун асосий сабоқлар шундан иборатки, хунук воқеаларнинг келиб чиқишига ўзлари тушунмай, бировларнинг қўлида қурол бўлган ёшларимиз эмас, кўпроқ уларнинг тарбияси топшириб қўйилган, турмуш шароитларини яратиб бериш зиммаларига юклатилган мутасадди кишилар айбдордирлар.

Тартибсизликларнинг сабаблари аниқланади, қонунни бузганлар жавобгарликка тортилади, шубҳасиз. Лекин ҳақиқатнинг тагига етмоқ учун талабаларнинг норозилигидан ўз гаразли ниятлари учун фойдаланишга ҳаракат қилган ярамас кишиларнинг ниқобини йиртиб ташлаш, уларни одил суд қўлига топшириш ҳам зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шу кунларда республика ҳукумати ва Тошкент шаҳар ҳокими вазиятни барқарорлаштириш, тўполонлар пайтида зарар кўрган биноларни таъмирлаш, талабаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Президентимиз И. А. Каримов ёшларимизнинг барча муаммоларини ҳал қилиб беришга ваъда берди. Унинг ўз сўзи устидан чиқишини ҳамма яхши билади. Республика Олий Кенгаши Раёсати бутун халқимизга мурожаат қилиб, тотувлик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидай асрашга даъват этмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси партия ташкилотлари, барча партия аъзоларини келажагимиз бўлган ёшларни етук мутахассис ва ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялаш, талабаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш борасида қилинаётган саъйи-ҳаракатларга фаол кўмаклашишга чақирди.

Талабалар шаҳарчасидаги воқеалар истиқлол йўлини танлаган Ўзбекистонимизни, заҳматкаш халқимизни маъмурий-буйруқбозлик бошқариш усулларидан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида турли қийинчиликлар кутаётганлиги ҳақида огоҳлантирмоқдалар. Ҳа, танлаган йўлимиз тўғри, аммо осон йўл эмас, бу янги синовларга бардош беришни тақозо этади. Уни тезроқ қурбонларсиз босиб ўтиш, ўзимизга, фақат ўзимизнинг ақл-идрокимизга, самарали меҳнатимизга, аҳиллигу бирлигимизга боғлиқдир. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, тақдиримиз ўз қўлимиздадир.

Собир ҚУРБОНОВ,

• *Президент фармони*

қандай бажарилмоқда?

ХОНАДОНГА ГАЗ КЕЛДИ

БИРОҚ ТАРМОҚ МУАММОЛАРИ ТЎЛА ҲАЛ ЭТИЛГАНИ ЙЎҚ

Бозор муносабатлари ва нарх-навонинг эркинлашуви шароитида жумҳурият аҳолисини, шу жумладан қишлоқ меҳнаткашларини табиий газ билан таъминлашнинг аҳволи қандай бўлади! Куни кеча Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон газ саноати ходимларининг кенгашида шу масала муҳокама этилди. Мухбиримиз кенгаш қатнашчиларининг бир гуруҳи билан тармоқдаги хайрли ишлар ва янгича шароитда вужудга келган муаммоларни ҳал қилиш йўллари ҳақида суҳбатлашди.

Ж. АЛЛАМУРОДОВ, «Қорақалпоғгаз» бошқармаси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутати:

— Аҳоли хонадонларини газлаштириш бизда ўтган йилдан бошлаб изчил йўлга қўйилди. Мутахассисларимиз қисқа муддатда шаҳар ва овулларни табиий газ билан таъминлаш лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишди. Айтиш керакки, олдимизга қўйилган вазифани уддалай олдик.

Буни қуйидаги рақамлар ҳам исботлаб турибди. Ўтган йили режадаги 380 ўрнига 385 километр масофада газ қувурлари ётқиздик. Қарийб 13 минг квартирага табиий газ уланди. Айниқса, овулларни газлаштиришга алоҳида эътибор қаратдик. Мўйноқ районида 90 километрлик масофада газ қувури ётқизиш ишлари бошлаб юборилди.

Ҳозир бутун куч-ғайратимизни Бўзатов районига қаратганмиз. Яқинда юз берган табиий офат — сув тошқини туфайли бу ерда кўнгина оилалар табиий газсиз қолиб кетди. Биз «Узгазстрой» бошқармаси билан ҳамкорликда мазкур районда 1992 йилда 40 километрлик газлаштириш ишларини олиб боришга келишиб олдик. Айни пайтда қишлоқ аҳолисини суюлтирилган газ билан таъминлаш чора-тадбирларини кўряпмиз.

Бироқ таъминотчилар шартнома мажбуриятларини кўнгилдагидек бажаришмаяпти. Масалан, ўтган йили Қозоғистоннинг Шевченко шаҳридаги завод қарийб 1000 тонна газ сақланадиган баллонлар етказиб бермади. Натижада бу борадаги режани 95 фоизга уддаладик, холос. Албатта, ҳозирги шароитда таъминотчини ёмонлаш билан ишни ўнглаб бўлмайди. Шу боис, биз имконият излаб, муаммоларни ҳал қилишга интиляпмиз.

А. ВАКИЛОВ, «Узгазлойиҳа» илмгоҳи бош муҳандиси:

— Илгари биз «Средазниигипрогаз» институти таркибида эдик. Жумҳурият ҳукуматининг қарорига мувофиқ, 1990 йилдан бошлаб мустақил илмгоҳ сифатида фаолият кўрсатяпмиз. Тўғрисини айтганда, қисқа вақт ичида буюртмачилар ишончини қозондик. Бунга икки йил мобайнида бажарган лойиҳаларимиз бўйича бирор бир шикоят хати олмаганлигимиз далил. Ўтган йили вилоятларда илмгоҳнинг филиал ва бўлинмалари ташкил этилди. Улар тегишли жиҳозлар билан таъминланди. Мазкур бўлинмаларда ишлаш учун 157 нафар ёш мутахассислар юборилди.

Илмгоҳда ишлаб, етарли тажриба орттирган бу кадрлар бевосита жойларда лойиҳа-смета ишлари билан шуғулландилар. Мутахассисларимиз 1991 йилда жумҳурият миқёсида қарийб 12 миллион сўмлик лойиҳа ишларини уддалашди. 59 минг 500 хонадонга газлаштириш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаб берилди.

Бундан ташқари институт ходимлари қардош жумҳуриятлар буюртмачиларига ҳам хизмат кўрсатишди. Қўшни Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятидаги Новқат райони аҳолиси хонадонларини газлаштириш лойиҳа ҳужжатлари қисқа муддатда тайёрлаб берилди. Бу ерда мутахассислар 250 минг сўмлик иш бажардилар.

Е. КЕЙНОВ, Тошкент шаҳар газлаштириш бошқармаси бошлиғи:

— Очиғини айтсам, бизда ютуқлардан кўра муаммолар кўпроқ. Ўзингиз ўйлаб кўринг: Тошкент жумҳурият пойтахти бўла туриб, унинг аҳолиси ҳанузгача табиий газ билан тўла таъминланмаган. Айниқса, Собир Раҳимов, Октябрь районларидаги маҳаллаларнинг аҳволи мушкул. Бу ердаги айрим маҳаллаларга суюлтирилган газ ҳам ўз вақтида келтирилмайди.

Албатта, бунинг асосли ва асоссиз сабаблари бор. Дейлик, илгари маҳаллаларга умуман эътибор берилмаган. Аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги Фармон маҳаллада яшовчилар учун ҳам айни муддао бўлди. Биз, газ тармоғи ходимлари бутун эътиборни маҳаллаларга қаратдик. Бирин-кетин хонадонларни табиий газ билан таъминлаш бошлаб юборилди.

Лекин, ҳали камчиликлар талайгина. Кўпинча бизга қувурлар, газ плиталари, жўмраклари ва бошқа эҳтиёт қисмлар етишмайди. Бунинг устига эркин нархлар муносабати билан лойиҳа-монтаж ишлари ҳам бир неча баравар қиммат бўлиб кетди.

Борингки, илгари табиий газ ўтказиш учун уй эгаси 400—500 сўм тўлаган бўлса, бугунга келиб 4,5—6 минг сўм атрофида маблағ сарфлашга тўғри келяпти. Албатта, бундай баҳони кўпчилик хонадон соҳибларининг чўнтаги кўтармайди. Шу боис, кейинги пайтда пойтахт маҳаллаларида газлаштириш суръати кескин пасайди. Менимча, вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир йўли — шаҳар ҳокимияти билан биргаликда аниқ бир тадбир ишлаб чиқишимиз керак.

Т. МАМЕДОВ, «2-Ўзбекгазқурилиш» трести бошлиғи:

— Трестимиз жамоаси газлаштириш даражаси жумҳуриятда энг паст бўлган Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилояти меҳнаткашларига хизмат кўрсатади. Ўтган йили биз бу вилоятлар шаҳар ва қишлоқларида 819 километрлик газ қувурлари ётқиздик. 1829 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардик.

Лекин хонадонларни газлаштириш режасини уддалай олмадик. 5800 хонадон «зангори олов» билан таъминланди, холос. Бунинг боиси — газ плиталари, қозонлари, жўмраклари ўз вақтида келтириб берилмасди. Д — 15, 20, 25 миллиметрли пўлат қувурларнинг етишмаслиги, айниқса, ишимизнинг белига тепди.

Аҳвол шу даражага бориб етдики, эски Иттифоқ таркибидаги таъминотчилар шартномада белгиланган биронта машина-механизмни юбормади. Баъзилари ўзимизнинг тушимизга кирмаган озиқ-овқат маҳсулотлари, мебель, гилам, холодильник ва яна талайгина истеъмол буюмлари эвазига мол айрибошлашни таклиф этишди. Биз бунга рози бўлмай, бошқача йўл тутдик. Вакилларимиз Россиянинг шаҳарларини бирма-бир кезиб, 1 миллион 600 минг сўмлик қувур ўрнатиш агрегатлари, тракторлар ва турли эҳтиёт қисмларни сотиб олиб келишди.

Жойлардаги ишбилармон маҳаллий ҳокимият раҳбарлари билан ҳамкорликда қувур, газ плиталари масалаларини ҳам ҳал қилдик. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Қ. Амирқуловнинг ташаббуси билан 150 километр масофага мўлжалланган газ қувури топиб келтирилди. Биз бу қувурларни Сурхондарё вилоятидаги Гагарин райони қишлоқларини газлаштириш учун ишлатдик. Ҳозир қурувчиларимиз бу райондаги қурилиш-монтаж ишларини тугаллаш арафасида турибди.

МУХБИР ШАРҲИ: Жумҳурият Президентининг қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги Фармони қабул қилинганига ҳам бир ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Айтиш керакки, шу давр мобайнида «Ўзбекгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлинмалари муайян ишларни амалга оширди. 1990—91 йилларда қарийб 6500 километрлик газ қувурлари ўрнатилди. 200 мингдан зиёд хонадон «зангори олов» билан таъминланди.

Бироқ Фармон ижроси ҳалигача кўпгина вилоятларда кўнгилдагидек бажарилмаяпти. Қишлоқларни газлаштириш 21—22 фоизни ташкил этмоқда. Аҳолига суюлтирилган газ етказиб бериш ҳам ачинарли ҳолатда. Вилоятлардаги газ идоралари вакиллари ўзларини оқлашга урониб, ҳамма айбни моддий-техникавий таъминотдаги қийинчиликларга ағдаришмоқда.

Тўғри, қувурлар, газ ўрнатиш машина-механизмлари, газ плиталари, жўмраклари ва бошқа эҳтиёт қисмлар тақчил бўлиб қолган. Лекин тадбиркорлик билан иш юритиб, бу муаммоларни ҳал қилса бўлади-ку! Газ саноати ходимларининг кенгашида сўзга чиққанларнинг кўпчилиги таъминотчиларга таъна тошларини ёғдиришди. Афсуски, таъминотни ўз кучлари билан яхшилаш тўғрисида лом-мим дейилмади.

Ҳозир бозор иқтисодиёти самарали усулларидан фойдаланиб иш кўриш пайти келди. Бу дегани — таъминотчи билан бевосита алоқа ўрнатиш, зарур бўлса мол айрибошлаш йўлини тутиш керак. Очиғи, эндиликда давлат моддий-техника таъминоти тизилмаларига суяниш ҳеч бир наф келтирмайди.

Демак, омилкорлик, ишбилармонлик, ташаббускорлик намуналарини кўрсатиб, янгича шароитга мос тарзда иш юритиш керак.

А. БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.







ЛОЙИҲАДАГИ ҚУВВАТДА

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Бағдод дон маҳсулотлари комбинати муддатидан тўрт ой илгари лойиҳадаги қувват даражасида маҳсулот тайёрлай бошлади. Ҳозир бир кеча-кундузда 250 тоннадан зиёд биринчи ва иккинчи навли ун ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонанинг иккинчи навбатини барпо этиш ҳам лойиҳалаштириляпти. Уни асосан ҳорижий ускуналар билан жиҳозлаш кўзда тутилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Дон маҳсулотлари комбинатининг ташқи кўриниши. 2. Корхона навбатчи электриги Мамажон Тошматов. 3. Оператор З. Деҳқонова.

Ш. АЛИМОВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

АФҒОНИСТОНДАГИ МОЖАРОЛАР ТУГАТИЛИШИ КЕРАК

● БМТ Бош котиби Бутрос Гали афғонлар жамияти барча гуруҳлари ва табақалари вакилларининг учрашувини уюштиришга тайёр эканини билдирди.

Шу мақсадда у Афғонистон билан шуғулланувчи ўз шахсий вакилларини маслаҳатлашувлар ўтказиш учун мазкур минтақага юборди. Афғонистоннинг турли сиёсат ва дин арбоблари, қабилаларнинг бошлиқлари, ихтилофчи гуруҳларнинг раҳбарлари ва дала командирлари мана шундай учрашувни ўтказишни ёўраб унга мурожаат қилганликларини Бош котиб алоҳида таъкидлаб ўтди. Манфаатдор мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳам шундай учрашув ўтказилишини қўллаб-қувватлашларини билдиришган.

ИРОҚНИНГ ЯНГИ ХУРУЖИ

● Ироқнинг 25 та ҳарбий юк машиналаридан иборат карвони Ироқ билан Қувайт ўртасидаги чегара чизиғидан ўтиб, Қувайт ҳудудига киришга уринди, деб хабар қилди амирликнинг ички ишлар вазирлиги вакили.

Ҳарбий юк машиналари карвонини кўрган Қувайт чегарачилари ўт очишга мажбур бўлдилар. Қурбонлар ҳақида хабар берилмади.

Қувайт ички ишлар вазирлигининг маълумотларига қараганда, Ироқ армияси бўлинмалари чекинаётиб, Қувайт ҳудудида қолдириб кетган қурол-яроғларини ҳамда ҳарбий анжомларни йиғиштириб олишга уринмоқда.

ИМОМЛАР ИМТИҲОНИ

● Нигериянинг Сокото штатидаги мачитларнинг барча имомлари жума намозида ваъзхонлик қилиш ҳуқуқини олиш учун имтиҳон топширишлари лозим.

Сокото амирлигининг кенгаши тегишли имтиҳон комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Нигерия ва бир қанча қўшни мамлакатлар мусулмонлари диний бошлиғи ҳисобланган Сокото султони Иброҳим Дасутий мачитларнинг имомларига шу хабарни етказди, деб ёзади Нан ахборот бошқармаси.

(Хабарлар Марказий матбуот ва ахборот агентликлари материалларн асосида тайёрланган).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИДАН, АЖНАБИЙ ФУҚАРОЛАРДАН ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 3-модда 1-бандининг «А» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«А) давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминот нафақалари, вақтинча ишга лаёқатсизлик юзасидан тўланадиган нафақалар (шу жумладан, бемор болани парваришлаш нафақалари)дан ташқари, шунингдек, хайрия жамғармалари ва экология жамғармалари маблағларидан фуқароларга бериладиган нафақалар ва пул ҳамда натура шаклидаги ёрдамнинг бошқа турлари»;

2) 3-модда 2-бандининг «А» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«А) фуқароларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ўзларига тўланиши керак бўлган даромадлардан хайрия жамғармалари ва экология жамғармаларига ўтказадиган суммалар, шунингдек, Давлат бюджетидан қисман ёки тўлиқ таъминланадиган маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот корхоналари муассасалари ва ташкилотларига ўтказиладиган суммалари»;

3) 4-модда 1-бандининг «А», «Б», «В» кичик бандларида «йилига 1920 сўмдан ошмайдиган» деган сўзлар «йилига 4200 сўмдан ошмайдиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин, 4-модда 1-бандининг «А» кичик бандидаги «160 сўм» деган сўз «350 сўм» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 4-мода 6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Қуйидагилар ҳам даромад солиғи тўлашдан батамом озод қилинадилар:

А) хорижий давлат дипломатия ваколатхоналарининг дипломатик ва консуллик даражаларига эга бўлган бошлиқлари ва аъзолари, уларнинг ўзлари билан бирга яшаётган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлмасалар, Ўзбекистон Республикасида дипломатия ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган манбалардан чиқариб олинаётган даромадлардан ташқари барча даромадлар бўйича;

Б) х

ҚАРДОШЛИК САҲИФАЛАРИ

ТУРКИЯ ЎЗБЕКИСТОННИ ТАН ОЛДИ, БУНИ ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЗЎР МАМНУНИЯТ БИЛАН КУТИБ ОЛДИ. ЭНДИЛИКДА МУНОСАБАТЛАРИМИЗ ТАҒИН ҲАМ МУСТАҲКАМРОҚ БЎЛИШИГА ИШОНАМАН.

И. А. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Меros

ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАР

Ўзбек халқи қадимдан қўшни қардош туркий халқлар каби бир вақтлар Туркистондан Анатолийга кетган ватандошлари — Усмонли турклар билан ҳам тарихан кучли иқтисодий-снёсий ва маданий алоқада бўлиб келганлар. Темур ва Ҳусайн Бойқаро замонидаги Мовароуннаҳр ижтимоий-маданий ҳаёти, Али Қушчи, Навоий, Улуғбек каби буюк ўзбек олим, шоир ва адибларининг асарлари у ерларда кўп тарқалган, таъсири сезилари бўлган. Сўнгги XVII—XIX асрларда Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари даврида Турди, Муқимий, Фурқат, Феруз ва Умархон асарлари турли йўллар билан Анатолийга келиб турган. Бу алоқалар, айниқса, 1905 йил инқилобидан сўнг янада кучая бошлаган. 1905—1917 йилларда Туркистондан Туркияга Маҳмудхўжа Беҳбудий, Иброҳим Даврон, Ҳамза, Муҳаммад Шариф Сўфизода, Абдурауф Фитрат, Ғозн Олим Юнусов ва бошқалар турли саёҳат, ўқишга бордилар. Улар Туркияда янги адабиёт ва матбуот, маориф янгиликлари билан яқиндан танишдилар. Ҳатто уларнинг баъзилари турклар таъсирида янги шеърий, публицистик асарлар ҳам ёздилар (М. Сўфизода, «Ўқинг — оналар» (1914), Фитрат «Сайҳа»), «Мунозара (1911 — 1913), С. Айний «Биз ким?» (1918).

20-йилларда Абдулҳақ Ҳомид, Тавфиқ Фикрат, Номиқ Камол, Яҳё Камол каби илғор тараққийпарвар турк шоир, адиб, драматургларининг асарлари Туркистонда кенг тарқалди, (масалан, Абдулҳақ Ҳомиднинг «Ватан ёки силистра», «Ҳинд қизи», «Макбар», Номиқ Камолнинг «Заволли йигит», Тавфиқ Фикратнинг «Мунтаҳаб парчалари»), улар ҳақида тақризлар, мақолалар босилди. (Чўлпон, «Марҳум Тавфиқ Фикрат» (мақола (1920 йил), З. Башир «Ҳинд қизи» (тақриз, 1923 йил) асарлари саҳналаримизда қўйилди. Матбуотимиз саҳифаларида таржима бўлиб босила бошлади. Ҳатто Чўлпон бу даврда янги Усмонли турк шеърияти, тили таъсирида туркча шеърлар ҳам ёзди.

1925 йилги «Партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати ҳақидаги» қарори, шу муносабат билан Ўзбекистон зиёлиларининг 1927 йилда бўлиб ўтган қурултойидан кейин, адабиётга фақат синфий, партиявий ёндашувдан сўнг бу адабиётларнинг деярли ҳаммаси хорижий пантуркистик адабиёт деб талқин қилиниб, уларнинг Ўзбекистонга тарқалиши ва таъсирига чек қўйила бошланганди. Унинг ташвиқотчилари Фитрат, Чўлпон, В. Маҳмуд, А. Қодирийлар таъқиб ва танқидга учрадилар. Бунинг ўрнига ўша даврда рус инқилобий адабиёти таъсирида яратилган Нозим Ҳикматнинг сиёсий шеърлари таржима қилиниб, янги ўзбек пролетар шеърияти учун асосан ўша шеърлардан ўрганиш тарғиб қилина бошланди. Боту, Ҳамид Олимжон, Баҳром Иброҳимов ва бошқалар турк адабиётидан асосан Н. Ҳикмат шеърларини таржима қилиб, унинг таъсирида шеърлар машқ қиладилар. Ҳадиксираш партия XX съездидан сўнг бирмунча юмшаб, бу даврда Н. Ҳикматнинг «Бир севги афсонаси», «Инсон манзаралари» асарлари билан бирга Азиз Несин, Умар Сайфиддин ва бошқаларнинг асарлари, «Турк ҳикоялари» каби асарлари ҳам таржима бўла бошлади. Халқаро кинофестивалларда турк актёрлари ва кино режиссёрлари Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келадилар. Лекин бу алоқаларнинг ҳаммаси Ўзбекистон миллий мустақилликка эришмагунча фақат СССР ва хорижий дунё контекстида бўлиб келди. 1991 йил Ўзбекистонда миллий мустақиллик эълон қилингач, 16 — 19 декабрларда жумҳуриятимиз ҳукумат раҳбарлари Туркияда бўлишди. Ҳар икки мамлакат ўртасида иқтисодий, маданий алоқаларга қайта йўл очилди. Унгача ва ундан кейин Туркияда бўлиб қайтган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биринчи котиби Жамол Камолнинг Туркия ёзувчилари бирлиги раиси доктор Меҳмон Доган билан келишилганига қараганда Ўзбекистонда биринчи бор Туркия адабиёти ва санъати кунлари ўтказилади. Ёзувчиларимизнинг бундан кейинги борди-келдиларини, асарларининг ўзаро таржимасини кучайтириш ҳам мўлжалланаётир. Бу алоқалар табиий, ўзбек-турк адабий-маданий ҳамкорлиги тарихан кучли илдизларга эга. Бугунги озодлик кунларида бу алоқалар қайта тикланмоқда.

Шерали ТУРДИЕВ.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биринчи котиби, шоир ва таржимон Жамол Камол (ўртада) турк адиблари Фирот Қизилтуғ, Болқиз Иброҳим ва бошқалар орасида.



Санда Шораҳмад қизи асли туркистонлик. У Олмонияда таҳсил олиб етук мутахассис бўлиб етишди. Ҳозир Истанбулда истиқомат қилади.
СУРАТДА: 85 ёшли Санда она шоир Жамол Камол билан.

ТУРК АДАБИЁТИ НАМУНАЛАРИ

Туркистоннинг бугунги адабий ҳаёти билан яқиндан танишмоқ учун журналимизда намуналар бериб туриш мувофиқ кўрилди. Бу билан бирга ёлғиз Туркиянинг эмас, ўзимиздан бошқа турк қавмларининг адабиётидан намуналар бериб бормоқчи бўлғонимизни билдириб ўтамиз. Шунга бир кичик муқаддима бўлсин деб Туркия насрчиларидан бир насрий парчасини олдик. Бу наср унинг эскироқ ёзғони бўлғонидан ҳали бугун ташланган баъзи бир ғарб таркибларидан қутулғон эмасдир. Ўқиғувчиларимизга енгиллик учун оғирроқ луғатларни ҳам киритиб шу кичкина нарсани ўз имлоси билан тақдим қиламиз.

«Маориф ва ўқитгувчи» журнали, 1925 йил. № 6. 106-бет.

ТУРК ПРОФЕССОРИ БИЗДА МЕҲМОН

Профессор турколог Куприлизода Муҳаммад Фуадбек Туркиядан Озарбайжонга саёҳат қилиб келди. Ҳозир ул озарбайжон туркилари орасида яшамоқдалар. Декабрь ойининг 20—25 лари орасида Бокуда чақириладиғон туркология қурултойида Туркия вакили сифати билан иштирок этадир... Бокуда ҳар куни деярлик даражада дорилфунун ва илмий мажлисларда турк адабиёти ва тарихи мавзуларида унинг ҳар хил лекциялари эшитиладир...

Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш учун Ўзбекистон Илмий Марказий ҳузурида ғузилган махсус ҳайъат «Навоийнинг умумтурк адабиётидаги мавқеи» деган мавзуда асар ёзишни профессор Купирлизодага топширди.

«Ер юзи», 1925, № 2. 2-бет.

«СОЧМА ШЕЪРЛАР»



Таниқли ўзбек шоири Эркин Воҳидовнинг шеърларини, ғазалларини ҳар биримиз севиб ўқиймиз. Шоирнинг сара асарларидан ибрат шеърлари турк ўқувчиларига туҳфа қилинди. Эркин Воҳидовнинг «Сочма шеърлар» тўпламн қардошларимизнинг сара асарларидан бири бўлиб қолади.

TÜRKİSTAN İLLERİNDEN
ÖZBEKİSTAN
Halil AÇIKGÖZ

Халил Очиққўзининг днёримиз ҳақида ҳикоя қилувчи китоби ҳам турк ўқувчиларини ўзбек днёри ва унинг меҳнаткаш халқи билан таништиришда катта хизмат қилмоқда. Бундан буён ўзбек ва турк днёри адиблари, санъаткорлари, олимлари муносабатлари янада ривожланади. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Азиз НЕСИН

ХУШТАК АФАНДИ

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Азиз ва муҳтарам ўзбек ўқувчилари!

Ёшлик чоғларимдан бери Тошкент ва Самарқанд менучун ажойиб эртаклар, тенгсиз рўёлар ўлкаси эди. Бундан уч йил олдин Тошкент билан Самарқандни ўз кўзим билан кўрдим. Шунда мен ғарчи бир-биридан узоқ географик минтақаларда яшасак ҳам ўзбекларни таржимонсиз тушуниш мумкинлигини кўриб жуда қувондим. Олис саёҳатга чиқиб, кутилмаган бир жойда энг яқин дўсти, туғишган қардошини кўриб қолган одамдай чексиз севиниб кетдим. Тилларимиз бир-бирига ўхшаш, узоқ ўтмишга борибтақалувчи маданиятларимиз бир-бирига яқин. Шунинг учун ҳам мен бу ерда ўз юртимда, ўз юртдошларим орасида юргандек бўлдим...

Ҳажвий ҳикоялар ва роман. Т. 1969. Ғафур Ғулом нашриёти. Туркчадан Миад Ҳакимов таржимаси

ОЙБЕК

АДАБИЁТ, ТАРИХ, ЗАМОНАВИЙЛИК

Янги турк поэзиясининг асарлари мени илк марта лирик соддалик йўлида изланишга ўргатди. Мен турк поэзияси билан техникумнинг студенти бўлган йилларимда танишдим. Ўша пайтда Бокуда Яҳё Камол, Ризо Товфуқ, Абдулҳақ Ҳомид ва бошқа бир неча турк шоирларининг асарлари нашр қилинганди. Бу асарлар менинг ҳам қўлимга тушиб қолди. Булар ҳозир ҳам менда сақланади. Яқинда уларни қайтадан варақларканман илк марта таъсирланганимни кўз олдимга келтирдим. Муҳим ва мураккаб нарсалар ҳақида соддагина қилиб сўз айтиш мумкин эди. Қалбни забт этган ҳис-туйғуларни, чуқур лиризмни ифода этмоқ учун дабдабали шакл шарт эмас. Ахир кўнгил қўйган қизга «севаман» деб айтмоқ учун беқасам тўн кийиб келиш шарт эмас-ку. Энг муҳими, кундалик ҳаёт предметлари одатий нутқ поэтик оламнинг бутун дабдабаси ва жозибасини йўққа чиқариб қўядигандек кўринарди.

«Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1966 йил, 10 октябрь.

• Гўзал санъатлар — ЧУЛПОН

МОСКВАДА ИККИ ТУРК САНЪАТКОРИ

(МОСКВАДАН ХАТ)

Букунги Масков — ингичка санъатнинг юксаклиги жиҳатидан, Ғарб пойтахтларининг ҳаммасидан олдинда турадир. Унинг «Санъат театри» («Художественний театр») ҳозиргача на янги ва на эски дунёдан ўз жуфтини тополғанн йўқ. Ингичка санъатнинг юксалишини мақсад қилиб олиб шу йўлда инқилобдан бурун ҳам холис ва фидокорона чолишқон у табаррук муассаса, бугун ўзига қарашли бир неча шўъбалари билан бирга юксалишда давом қиладур. «Санъат театри» кўп тўғриларда фақат Руссиядаги театрларгагина эмас, ғарбдаги ингичка санъат муассасаларига ҳам анча таъсир қилғондир. Ў ингичка санъатда тутқон йўли эътибори билан ҳали ҳозирга ёлғиз саналиб келган эски муассасалардандир. Ана ўша театрининг актёрларидан бир кучли санъаткор —. «Всеволид Мейрхольд» деган киши инқилобдан сўнг янги бир театр таъсис қилди. Ўзининг исми билан «Мейрхольд театри» деб юргизилган бу янги муассаса ҳам санъатда тутқон йўли эътибори билан яна жуфтсиз ва ёлғиз саналиб келадир. Бу чинакам инқилоб театри; унинг ҳар нарсаси дегундак янги, шу билан бирга — янгиликлар ҳам муқаррар ўрнашмаган — «вақтли» нарсалар. Шунинг учун бу муассасани ўқиттурғон вақтда «Исташ театри» деб қўядилар, бу тўғри ўқдириш: ҳақиқатан «Мейрхольд» театри ҳар кунги талабга қараб янги йўл ахтарадир. Масков, ҳозир, ингичка санъатда янги-янги йўллар ахтаргувчи театрлар билан тўлуғдир. У йиллар ва жараёнлар тўғрисида кейинча тўлароқ бир нарса ёзишга ваъда бериб, мақсадга ўтайлик.

Букунги Москванинг санъат жараёнларини текширмак ва ўрганмак учун дунёнинг ҳар томонидан жуда кўп санъаткорлар келадилар. Ғарбдан ва Муҳит дангизининг нариги қирғоғидан келганлар тўғрисида бир нарса ёзиш эмас, бир нарса ўйлаш ҳам қийин, улар шу қадар кўп... Қизил чегара ичидаги турлик-туман миллий шўро жумҳуриятларидан келганларнинг, албатта, ҳадди-ҳисоби йўқ. Бизнинг Ўзбекистон ССР Маориф комиссарлиги ҳам бу ерда алоҳида бир «Санъат драм студияси» очиб, 20 қадар йигит ва қизчаларимизни келгуси саҳнамизга тайёрлаб ётадир. Мундан бошқа кино курсида ва музиқий мактабларида ўқиғувчи йигитларимиз бор, ўзимизнинг студиямиз ва умуман букунги санъат билимларини ўрганилишимиз тўғрисида алоҳида гаплашишга тўғри келадир, муни келгуси сафарларга қолдирайлик.

Москванинг бу кунги ингичка санъати билан танишмак ва-ундаги турли-туман янги жараёнларни ўрганмак учун узоқ яқиндан келганлар орасида Туркиядан ҳам икки санъаткор бор, бири кино ҳам театр режиссёри (муаллим)ларидан Эртуғрул Муҳсинбек, яна бири кино ва театри актриссаларидан (хотин тамсилчи) Нойира Нойирахонимдир. «Маориф ва ўқитгувчи» мажмуасининг ёзғувчиларидан бири сифати билан уларни зиёрат қилдим. Улар билан қилғон мусоҳабамнинг натижасини қисқагина арз қиламан.

— Эртўғрул Муҳсинбек 1892 йилда Истамбулда туғулғон, Туркиянинг ўзида ўрта даражада таҳсил кўргандан кейин Парижга кетиб у ерда Франциянинг ва ҳатто дунёнинг улуғ театру олимларидан бўлғон машҳур режиссёр Онтуан қўл остида икки йил ишлаган. Ундан кейин ўша домласи Онтуан билан бирга Истанбулга келиб «Дорилбадоиҳ» (Олий санъат мактаби)ни ташкил қилган. Бу «дорилбадоиҳ» деган муассаса Туркия пойтахтининг — театру санъат ҳаётида кўп муҳим ўрин олғон муассасадир. Туркларнинг ўзларидан (айниқса, хотин-қизлардан) чинакам санъаткорлар кўпая бошлагон давр шу — «дорилбадоиҳ» даридир. Туркияда сўнг ўн йил орасида босилган театру китобларининг кўпини кўрсангиз, биринчи ёки иккинчи betига: «Бу асар Усмонли «дорилбадоиҳ» санъаткорлари томонидан биринчи мартаба тамсил қилинғондир» деган жумла ёзилғон бўладир.

Муҳсинбек Истанбулда шу йўл билан 2 йил ишлагандан кейин яна Европаға кетадир. Бу сафар Германиянинг энг машҳур санъат уйларидан «Лессинг» кинотеатрида 5 йил режиссёрлик (муаллимлик) қиладир. Мундан бирбир ярим йил бурун Ўзбекистоннинг кўп шаҳарларида қўйилиб ўтғон машҳур «Миллионли хотин» картинаси ўша муассасанинг ҳосили бўлиб, Муҳсинбекнинг режиссёрлиғи билан ўйнолғондир. Ундан бошқа Муҳсинбекнинг режиссёрлиғи билан чиққан герман картиналаридан яна битгаси «Қоролла» дегани — бизнинг шўро жумҳуриятларида қўйилиб ўтган. Унинг режиссёрлиғи билан Германияда тайёрланган картиналарнинг ҳаммаси 15—16 га етадир. Германиядан сўнг Муҳсинбек Исвеж мамлакатига борадир ва у ерда бироз қолиб киночиликни текшиradир. Ундан кейин Муҳсинбекнинг энг кўп ишлаган ери яна Туркия — Истанбулдир.

Бу сафар Истанбулда тўрт йил қолиб, Туркия киночилигига пойдевор қурадир. Истанбулда ҳаммаси бўлиб, 10 тача турк картиналари ҳозирлаган. Картиналардан бири Холида Адиб хонимнинг «Оташдан гўмлак» («Оловдан қўйлак») деган ҳикоясидир. Унда, Ҳолида Адиб Туркиянинг сўнгги истиқлол курашлари даврини тасвир қиладир. Асарнинг бош қаҳрамонларидан бири бўлғон «Эҳсонбек» —Мустафо Камолнинг киноялри нусхасидир. Ана ўша «Эҳсонбек» ролини Муҳсинбек ўйнайдир, У 10 картинанинг яна бири машҳур турк наёрчиси Яқуб Қодирийнинг «Нурбобо» деган асаридир. Муҳсинбекнинг театр (саҳна) учун ёзғон ва ўзгартурғон бир нечта асари бор. Бизнинг Бухоро ҳаётидан олиниб ёзилғон бир асари ҳозир Истанбулда босилиб ётар экан. Муҳсинбек қўл остида ишлаган турк саҳнаси бизнинг ўрус адиблари (кўпроқ классиклар) томонидан яралғон шоҳ асарларни ҳам кўп кўрган. Шу учун бўлса керак, Истанбулнинг санъатига «Ўйин ва кўнгил очиш» деб қарайтурғон табақалари (обивател халқ), унинг теграсига яқинлашмоған. Унинг саҳнаси чинакам санъат деганлар ва ингичкаликни севганларнинг жойи бўлиб қолғон.

Муҳсинбек Шўролар Иттифоқининг чинакам Маориф ва санъат бошлиғи — (раҳбари) ўртоқ Луначарский томонидан Москвага чақирилған. Бу ерда ингичка санъатнинг ҳолини ва унга берилган фавқулодда аҳамияти ҳам ишламак ва ўрганмак мақсади билан Москвада қолди. Ҳозир бир томондан «Давлат кино»нинг картина фабрикасида режиссёрлик қилмоқда, иккинчи томондан, бу ердаги инқилоб йўлидаги театрларни текширмоқдадир. Шу кунда ўзининг гапига қараганда ҳозирғи ўрус ёзғувчиларидан Третъяковнинг «5 минут» деган (Америкалилар турмушидан олиб ёзилған) асарига кинода режиссёрлик қилмоқдадир. Бундан бошқа ўртоқ Луначарскийнинг бир асари ва Франция адибларидан Александр Дюшаннинг «Томилло» деган асари устида ҳам ишлаб турадир.

Муҳсинбек Москвага келишидан жуда хурсанд бўлган. «Санъат Германияда ўлган, Францияда ҳаракатсиз, букунги Русияники эса, ер юзида биринчи бўлиб турадир» дейдир.

Бу фикрни бу ердаги «Ўзбек драм студияси» талабалари билан қилғон мусоҳабасида ҳам айтиб ўтди. Унга энг ёққан театр «Мейрхольд театри»дир, у театр тўғрисида жуда қизиқиб гапирадир. Уни «инқилоб ва истиқбол театри, эртанинг санъати», дейдир. Бизнинг драматургия талабаларимизни ҳам тамоман ўша театрга бориб ишлашга даъват қилди. Шўролар мамлакатидаги киночилик ишларига ҳам катта умидлар билан қарайдир ва «яхши, астойдил ишланса 2—3 йил орасида киночиликда ҳам шўролар мамлакати биринчи бўлиб кетадир», дейдир. Баҳор вақтларида бизнинг Самарқандимизни ҳам зиёрат қилмоқ нияти бор. Биз ҳам, Ўзбекистон исмидан даъват қилғон бўлдик...

Ўзининг асл исми «Мунира Аюб» бўлғон санъаткор турк қизи, саҳнада «Найира Найир» номи билан танилгандир. Истанбулда «Дорилмуаллимот»ни битиргандан кейин икки йил қадар яна ўша Истанбулдаги «Америқо колледжи»да ўқиған.

1922 йилда биринчи мартаба Истанбулда кино саҳнасига чиқиб, Ҳолида Адибнинг «Оташдан гўмлак» деган асарида биринчи роллардан Анатўли қизи Козбоннинг ролини ўйнайдир (кинода). Ундан кейин французчадан ўзгартирилган «Қиз куласи» деган асарда, Турк қизи Зайнаб ролини ўйнайди (яна кинода). Ундан сўнг 1923 йилда биринчи мартаба театру саҳнасига чиқиб, улуғ Шекспирнинг «Отелло»сида Омелия ролини ўйнайдир. Асл турк хотинларидан биринчи мартаба саҳнага чиққан ҳам шу Мунирахонимдир. Ундан бурун турк саҳнасидаги хотин-қиз ролларини арман, рум ва «қибти» қизлари ўйнаб келганлар.

Яқинда Муҳсинбекнинг даъвати билан Москвага келиб бу ердаги театр жараёнларини ўрганиш ишига киришди. Ҳозир машҳур ўрус санъаткорларидан «Вахтангов» номиға очилган санъат мактабида ва «Мейрхольд» театри»да ишлаб турадир.

Бизнинг ўзбек хотин-қизлари билан танишмак ва уларнинг ҳаётларини кўриб билмак орзуси олдиға сафда турғон бу шарқ қизида албатта бор. Лекин, мунинг қалбидаги орзуларини бизнинг хотин-қизларимиз ҳам сақлаған бўлсалар эди... қани энди!

«Маориф ва ўқитгувчи», 1926, № 2 42—45 betлар.

Азиз НЕСИН

ХУШТАК АФАНДИ

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Азиз ва муҳтарам ўзбек ўқувчилари!

Ёшлик чоғларимдан бери Тошкент ва Самарқанд менучун ажойиб эртаклар, тенгсиз рўёлар ўлкаси эди. Бундан уч йил олдин Тошкент билан Самарқандни ўз кўзим билан кўрдим. Шунда мен ғарчи бир-биридан узоқ географик минтақаларда яшасак ҳам ўзбекларни таржимонсиз тушуниш мумкинлигини кўриб жуда қувондим. Олис саёҳатга чиқиб, кутилмаган бир жойда энг яқин дўсти, туғишган қардошини кўриб қолган одамдай чексиз севиниб кетдим. Тилларимиз бир-бирига ўхшаш, узоқ ўтмишга борибтақалувчи маданиятларимиз бир-бирига яқин. Шунинг учун ҳам мен бу ерда ўз юртимда, ўз юртдошларим орасида юргандек бўлдим...

Ҳажвий ҳикоялар ва роман. Т. 1969. Ғафур Ғулом нашриёти. Туркчадан Миад Ҳакимов таржимаси

Саид АҲМАД

«БИЗ ЮРГАН ЙЎЛЛАР»

Йигирманчи йилларда туркман, қозоқ, озарбайжон, қирғиз, татар китобларини бе малол ўқирдик. Татар ёзувчиси Олимжон Иброҳимовнинг «Қозоқ қизи», «Теран томирлар» романларини, қозоқ ёзувчиси Мухтор Авезов қиссаларини, турк ёзувчиси Ҳолида Адиб қиссаларини, Нозим Ҳикмат шеърларини лотин алифбосида бемалол ўқирдик. У пайтларда таржиманинг асло ҳожати йўқ эди.

Туркий тилда сўзлашадиган халқлар бирлашиб кетмасин деб биридан-бирини жудо қилиш зарур бўлди, шекилли, лотин алифбосидан рус алифбосига ўтказишди. Ана шундан бери бир-биримизнинг китобларимизни ўқиёлмайдиган бўлиб қолдик. Ислом Каримовнинг Туркия сафари ва ундаги битимлар дастлабки хайрли маҳсулини бера бошлади.

Нима қилса ҳамки қонимиз бир, қадим Туркистоннинг фарзандларимиз, «Қо[illegible] қариндош топишар, ётга бал[illegible] ёпишар», — дейди халқимиз. Энди тетапоя бўлаётган мустақиллигимизнинг дадил юриб кетишига жон-дилдан кўмаклашмоқчи эканликларини эшитиб дилларимиз ёришиб кетди. Ахир, халқимиз, қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деб бекорга айтмаган.

Ҳожи МУЙИН (МЕҲРИЙ)

МУҲТАРАМ ШУАРОМИЗГА

...Тил ва адабиёт, ҳиссиётни қўзғатмоқ ва бошқа важлар учун шеърнинг келтиратурғон фойдалари ниҳоятда кўпдир...

Миллий шеърларнинг намунасини кўриб, истеъфода этмак (фойдаланмоқ) учун Абдулҳақ Ҳомид, Тавфиқ Фикрат, Муҳаммад Ҳодий, марҳум Абдулла Тўқаев каби шуаройи муҳаррирларнинг ашъорларини айириб мутолаа қилинса, ибрат олинмоғига шубҳа йўқдир.

«Ойина» журнали, 1913 йил. № 9 (21 декабрь). Муҳаррир Маҳмудхўжа Беҳбудий.

* * *

С. АЙНИЙ

...1905 йилдан 1908 йилга довур ҳоллар кўпгина ўзгарди. Ушбу икки йил муддатида турк, татар, Истанбул, Миср, Ҳиндистон матбуоти Бухорода ривожланди...

Янги адабиётга янгигина ўрганган халқнинг адабиётдан қондирмоқ учун ёшлар «Маърифат» кутубхонасини ташкил қилдилар. Ушбу кутубхонада Истанбул ва Руссияда нашр бўлиб турган вақтли газета ва журналлардан бошқа Истанбул, Боку ва Ички Россияда босилиб турғон ҳар бир турли муҳим асарлар, газета ва журналлар топилар эди. Истанбулда Бухоро талабалари муҳим асарларини сира кечиктирмасдан ҳар турли воситалар билан Бухорога юбориб турар эди...

(С. Айний. «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар». (Москва, 1926) китобидан.

* * *

Вадуд МАҲМУД

«БУ КУНГИ ШОИРЛАРИМИЗ ВА САНЪАТКОРЛАРИМИЗ»

...Бизда янги адабиёт Туркия адабиёти тақлиди билан бошланғондур. Шунинг учун бизнинг адабиётимиз билан Туркия адабиётининг умумий савияси муштарақдир. Руҳда ва шаклда Туркистон, Кавказия, Қрим доимо Туркияга эргашадир. Бу ҳам табиийдир. Чунки, аввало тил муштарақдир, сўнгра тарихий маданият муштарақдир ва оқибат Оврўпо маданиятига қарши бугунги вазият муштарақдир.

Навоий асрида Чиғатой адабиёти кучли бўлғонлиғидан Туркия адабиёти бизнинг адабиётдан кўп мутассир бўлган эди. Бу кунги ғарб турк адабиёти эса бизникидан кучли, маданий ва адабий ҳаётга молик бўлғонлиғидан бизникилар уларга эргашмоқдалар...

«Маориф ва ўқитувчи» журнали, 1925 йил № 4.

ТУРКИЯ МАТБУОТИ

Туркиянинг бу кунги буюк шоирлари, носирлари, шеър ва насрни миллат мажлисининг курсилари устида эмас, турк деҳқонининг кулбалари ичида ёза бошлаганлар. Буюк турк шоири Яҳё Камол «Гўзал Истанбул»ни Шикбекларга ташлаб, Анатўлининг ҳужра гўшаларига, Анқарага келмишдир.

Турк миллий адабиётининг ҳозирги машҳур насрчилари Ёқуб Қодирий, Холид Рафиқий, Равшан Ашрафлар Яҳё Камол билан бирга: «Ҳокимияти миллия» газетасини қўлларига олганлар. Ва кундалик ижтимоий масалалар тўғрисидаги жиддий ва ишга яқин мақолалари билан «Ҳокимияти миллия»ни тиргаза бошлаганлар.

Биз ҳам айтамизки, букун Шарқ олами, айниқса янги турк дунёси ишқ мамнуҳ, моҳи ва снёҳларни ва уларнинг муҳаррирларини эмас Яҳё Камолларни, Рабиндранат Тагорларни кўрмак истайди.

Бизга Париж турмушнинг кўпларн эмас, Рафиқ Холид, Холида Адиб, Яҳё Камолнинг бугунги ҳаёт ва муқитнинг аксн бўлгон асарлари керакдир. Фақат бугунги Туркия ишчи ва деҳқони учун, унинг дардлари ва унинг ҳаётини кўрсататургон ,оригинал (асл) асарлар керак. Туркия газеталарининг энг буюк нуқсони Оврупо сафил ҳаётини тасвир этган ҳикоя ва романларнинг доимо тафриқа этмакдир.

«Танин»да у қадар разил ҳикоялар борки, улар халқни заҳарламак, сажиясини битирмакдан бошқа ҳеч бир нарса кўрсатмайдилар.

«ВОВ» Масков, «Маориф ва ўқитувчи» 1925, № 4. 22—23-betлар.

• *Шеърият: янги туркум*

ҲИКМАТ САДОЛАРИ

Шўролар тузуми даврида руҳий маданиятнинг олтиндан ҳам бебаҳо бойликлари устига тўпроқ қатламлари тортилиб келди. Халқ ўз имонининг саломат қолишида бирдан-бир суянч — Қуръони каримдан жудо этилди, Масжид ва мадрасалар ёпилди, диний китоблар ёндирилиб, руҳонийлар калтак билан қувилди. Динга ва муқаддас диний китобларга ана шундай жоҳилона муносабат орқасида инсон руҳига даҳлдор маданиятдан фариштa қочди. Зеро, руҳий маданиятнинг илоҳий чўғлари санъат ва адабиёт асарларида гуриллаб ёниб, уларни ичдан мунаввар этиб турарди.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Ҳикмат садолари» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992 й, 3 янв.) деб номланган янги туркумида ана шу чўғ — ота ва боболаримиздан бизгача етиб келган ҳикмат ва имон-эътиқод чўғлари узоқ давом этган танаффусдан сўнг илк маротаба ёлқин сочиб юборгандек бўлди.

Биз ҳозир янги тарихий давр бўсағасида турибмиз. Яқин орада фақат яшаш тарзимиз эмас, фикрлашимиз ҳам, ҳаддан зиёд сиёсатлашган, коммунистлашган адабиётимиз ҳам ўзгарса, улар марказига инсон ва унинг руҳи чиқса ажаб эмас. Шу маънода менга пурҳикмат шоиримизнинг тилга олинган туркуми янги шеъриятимизнинг дастлабки қалдирғочи бўлиб туюлади.

Ушбу туркум қирқ шеърий ҳадисдан иборат. Бу ҳадисларнинг ўттиз учтаси рўзномада эълон қилинди. Қолган ҳадислар эса «Сирли олам» ойномасида чоп этилади.

Абдулла Орипов диний маърифат нури билан йўғрилган бу туркумни яратар экан, унинг олдида Алишер Навоий сингари Қуръони каримдан баҳраманд бўлган ва бу боқий асардаги айрим илоҳий мотивлардан фойдаланиб шеър ва достонлар ёзган гигантлар турар эди. Лекин у, назаримда, шундай бир йўлни топганки, натижада бошқа бирор ўтмишдошнинг бу борадаги меҳнатига ўхшамаган шеърлар яратган. Ҳадислар деб аталган бу шеърларнинг янгилиги «тайёр» ҳикматларни шеърий йўлга туширишда эмас. Шоир ўзининг инсон ва ҳаёт, умр ва абадият, савоб ва гуноҳ ҳақидаги ўйларини диний асотирлар ва образларнинг сеҳрли нуридан ўтказиб, уларга шеърий ҳикматлар шаклини берган. Ҳосилада, агар янглишмасам, ҳали шеъриятимиз тарихида учрамаган янги бир «жанр», янги бир тур майдонга келган.

Ушбу ҳадислар кимгадир Расул Ҳамзатовнинг машҳур «сакқизлик»ларини эслатиши мумкин. Кимдир бу ҳадисларни ўқиб, Аҳмад Яссавийнинг ўлмас «ҳикмат»ларини ёдга олиши табиий. Аммо улар менга шеъриятнинг ана шу намуналари туташиши мумкин бўлган нуқтада пайдо бўлган кўринадики, бу нуқтани топишнинг ўзи бадиий кашфиётдир.

Шарқ мумтоз адабиёти асарлари одатда Оллоҳ шаънига ўқилган ҳамду сано билан бошланади. Шеърий девонларда эса Оллоҳдан кейин пайғамбар шарафига мадҳ ўқиш анъанаси ҳам мавжуд. Абдулла Орипов «Ҳикмат садолари»да арши аълонинг гўё ана шу пиллапояларидан тушиб, инсоният оламига яқинлашгандек бўлади. Лекин у оллоҳ номини тилга олганда ҳам, пайғамбарлар ҳаёти билан боғлиқ асотирларга мурожаат этганда ҳам «ноқис ақлларни ҳикматга қарат»ишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Унинг эътибори марказида мусулмонми, насроний эканлигидан, дини, мазҳаби, тили ва рангидан қатъи назар Инсон туради.

Инсон шоир ҳадисларида ўзининг бир-бирига қарамақарши, бир-бирини рад этувчи ҳислатлари билан қад кўтарган. Шоир унинг улуғ мавжудот эканлигини ҳам, ҳар икки инсоннинг бирига ҳидоят йўлини маҳлуқот эканлигини ҳам кўздан қочирмаган. Унинг учун охиратда жаннат билан жаҳаннамнинг ҳам бўлиши бежиз эмас.

Бир томон — жаннатнинг фусункор боғи,
У — роҳат гўшаси,
ям-яшил макон.
Бир томон дўзахдир,
йўқдир адоғи,
У ерда абадий азоб ва фиғон.
Қувнар ўнгга боқиб
Ҳазрати Одам,
Чап ёнга боққанда,
ошар ноласи.
Бир насли жаннатга
ноил бўлса ҳам
Дўзахда ёнмоқда
битта боласи.

Абдулла Орипов ўз ҳадисларида реал воқелик билан диний асотирлар, реал кишилар билан диний мифологик образлар ўртасидаги тўсиқни бузиб ташлайди. Натижада жаннатнинг фусункор боғида айшини сураётган инсон бу дунёда савоб орттираётган киши билан, абадий азоб ва фиғон масканида қоврилаётган кимса эса, бу дунёда гуноҳи азимга ботаётган инсон билан қовушиб, ҳаётий қирралар касб этади. Шоир ўз ҳадисларида бу ҳар икки инсоннинг бирига ҳидоят йўлини маҳлуқот эканлигини ҳам кўздан қочирмаган. Унинг учун охиратда жаннат билан жаҳаннамнинг ҳам бўлиши бежиз эмас.

Бир томон — жаннатнинг фусункор боғи,
У — роҳат гўшаси,

Ҳадис даставвал панд-насиҳатдир. Аммо Абдулла Ориповнинг ҳадислари шунчаки панднома эмас. Шоир муайян диний асотир асосида бирор воқеанинг мухтасар тасвирини беради-да, ундан ибратомуз хулоса-ўгит чиқаради. Ўйлайманки, нафақат иқтисодий танглик, айни пайтда маънавий таназзул авж олган ҳозирги даврда диний адабиёт мавзуларидан кишилар руҳига таъсир этиш ниятида фойдаланиш, шеърий ҳадислар туркумини камол топтириш ижобий самаралар беради.

«Ҳикмат садолари»ни ўқир эканман, шу пайтга қадар бу мўътабар чашмадан баҳраманд бўлиш имконияти тортиб олинганидан, мустабид тузум нафақат дин ва дин арбобларини, балки, инсониятни руҳий покликка чорловчи таълимотни ҳам қатағон қилганидан афсус ва надомат чекаман. Негаки, бутун Оврупо тасвирий санъати ва мусиқаси диний асотирлардан, Қуръон ва Инжил сураларининг оҳангидан ўсиб ва униб чиққани ҳамда жаҳонга Леонардо да Винчи, Рафаэль, Бах, Гендель сингари даҳоларни берганига, Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоий сингари, Гёте ва Пушкин сингари улуғ шоирлар ижоди шу муқаддас чашмадан сув ичиб камол топганига қарамай, XX асрда бу чашманинг кўзи бизнинг мамлакатимизда ёпиб ташланди.

Шу нарса қувонарлики, улкан шоиримиз ўзбек халқи ва унинг адабиёти янги бир тарихий босқичга кираётган паллада бу чашманинг кўзини очиб юборди.

Наим КАРИМОВ.
филология фанлари номзоди.

• *Янгиликдан хабарингиз борми?*

АЁЛЛАР ҲАЕТ КУРКИ

Она — онла бошбоғи, хонадон файзи. Зеро, улар аралашмаган, ўзларининг меҳри йўғрилмаган бирор соҳа қолмади.

Ҳозир Наманган вилоятида 130 мингдан зиёд аёл қишлоқ хўжалигида меҳнат қиляпти. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, халқ таълими, саноат ва савдо соҳаларида ҳам уларнинг муносиб ўринлари бор. Аммо аёлларимизга етарли ғамхўрлик қилиняптими? Уларга зарур шарт-шароит, имконият яратиб берилганми? Бундай муаммолар устида ўйлаб кўриш пайти етди. Наманган вилояти хотин-қизларининг қурултойида мана шу каби муаммолар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Олтиариқлик Юнусали Эминов рўзномамиз жонкуярларидан бири. У кўп йиллардан бери мақола ва фельетонлари билан қатнашиб келади.

Узоқ йиллар ўқитувчи бўлиб ишлаб, ҳозирги пайтда ўғил-қизлари, неваралари даврасида кексалик гаштини сураётган Юнусали ака савобли ишга қўл урди. Ўзи раҳбарлик қилаётган «Афсона» ёшлар даъватхонаси номидан райондаги Қори Ниёзий номли биринчи ўрта мактабнинг икки нафар энг аълочи ўқувчиси учун стипендия ташкил этди. Чорак якунларига кўра икки ўқувчига «Афсона» ҳисобидан ойига 50 сўмдан рағбатлантириш стипендиялари тўланади. Январь ойидан бошлаб стипендиялар берила бошланди. Бугунги иқтисодий танглик кунлари ўқувчиларга стипендия бера бошлаган даъватхона ташаббуси эътиборга лойиқ.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МЕҲМОНХОНАДА ХОН АТЛАС

Косон районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги меҳмонхонасида хонатлас тўқиш йўлга қўйилди. Цехда Наманган вилоятининг Уйчи райони ҳунармандлари ясаган уч та тўқув дастгоҳи ўрнатилди.

Хўжалик дурадгорлари бундай дастгоҳларни 10 тага етказишмоқчи. Бу, 25—30 нафар кишини иш билан таъминлаш имконини беради. Атлас тўқишни ўрганган Маҳмуд Бўрнев, Фотима Ҳайдарова, Инобат Бойматова, Равшан Султонов кабиларнинг касбга меҳр қўйишида цех бошлиғи Ўктам Саидовнинг ҳиссаси бор. Унинг раҳбарлигидаги чевар тўқувчилар тўқиган маҳсулотнинг дастлабки туркуми келин-куёвларга, илғор колхозчиларга 35—40 сўмдан сотилди. Атлас тўқувчиларнинг хом ашёси етарли. Ўтган йили жамоа хўжалиги 20 тонна ўрнига 27 тонна пилла етиштирган эди. Режадан ортиқ 7 тонна хом ашёни қайта ишлаб бериши учун Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси билан тегишли шартнома ўрнатилди. Кичик корхона ишчилари биргина ўтган ойда 10 минг сўмлик маҳсулот тайёрладилар.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон Республика Адлия вазирлиги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидаги

БУШ ЛАВОЗИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: сиёсий тарих, ўзбек тили, чет тиллари, иқтисод назарияси, жисмоний тарбия, фалсафа, рус тили, экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, маъмурий ва молия ҳуқуқи, гражданлик ва хўжалик ҳуқуқи;

профессорлар: давлат ва ҳуқуқ назарияси;

доцентлар: жиноят ҳуқуқи, фалсафа (2), гражданлик ва хўжалик ҳуқуқи (2), жиноят процесси, давлат ва ҳуқуқ назарияси (4), гражданлик процесси, криминалистика, сиёсий тарих (2), меҳнат ҳуқуқи;

катта ўқитувчилар: жиноят ҳуқуқи, чет тиллари (3), рус тили (2), гражданлик ва хўжалик ҳуқуқи, фалсафа, давлат ҳуқуқи ва совет қурилиши.

Ўқитувчилар: жиноят ҳуқуқи, рус тили, маъмурий ва молия ҳуқуқи (2), гражданлик ва хўжалик ҳуқуқи (2), жиноят процесси, ўзбек тили (4), гражданлик мудофааси цикли бўйича, фалсафа (2), ҳамширалар тайёрлаш бўлинмаси.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700047, Тошкент шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 35-уй, кадрлар бўлими. Телефон: 32-09-39.

УЛУҒБЕК ОБРАЗИГА БАҒИШЛАНГАН ЭНГ ЯХШИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРИГА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН РЕСПУБЛИКА ОЧИҚ ТАНЛОВИНИНГ

ДАСТУРИ ВА ШАРТЛАРИ

РЕСПУБЛИКА 1994 ЙИЛДА ШАРҚНИНГ БУЮК ОЛИМИ МУҲАММАД ТАРАҒАЙ УЛУҒБЕК (1394—1449) ТУҒИЛГАН КУНИНИНГ 600 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИНИ КЕНГ НИШОНЛАШГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК ҚУРМОҚДА.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бўлғуси юбилейга бағишлаб

ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ — Моваройнаҳрнинг маънавий ва ижтимоий ҳаётидаги маърифатли ҳукмдор ролини, МИРЗО УЛУҒБЕК шахсиятининг серқирралилиги ва аҳамиятини ўзида мужассамлаштирган тасвирий санъат асарларини яратишдан иборат.

Маҳсус бадиий таҳсил кўрган рассомлар томонидан яратилган ранг-тасвир, графика, ҳайкалтарошлик, плакат, халқ ва амалий-манзарали санъат асарлари танловга тақдим этилади.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 1994 ЙИЛ 1 ЯНВАРГАЧА.

ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР БЕРИЛАДИ:
ЭНГ ЯХШИ РАНГТАСВИР АСАРИ УЧУН — 2500 сўм.
ЭНГ ЯХШИ ҲАЙКАЛ УЧУН — 2500 сўм.
ЭНГ ЯХШИ ГРАФИК АСАР УЧУН — 2000 сўм.
ЭНГ ЯХШИ ПЛАКАТ УЧУН — 1000 СЎМ.
ЭНГ ЯХШИ ХАЛҚ ВА АМАЛИЙ-МАНЗАРАЛИ САНЪАТ АСАРИ УЧУН — 1000 сўмдан 2 та мукофот.

Мукофотга сазовор бўлган барча асарлар Маданият вазирлигининг кўргазмалар залига сотиб олинади.

Танловга тақдим этилган ишлар Ўзбекистон Маданият вазирлиги ва Рассомлар уюшмасининг Давлат эксперт комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Танловга доир барча масалалар юзасидан Маданият вазирлиги Маданий ёдгорликлар илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг ИЗО бўлимига мурожаат қилинсин (Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй).

Телефон 44-67-73.

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ОИД КЕНГАШ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси аҳолини иш билан таъминлаш ҳақида Қонун қабул қилган эди. Тошкентда республика Меҳнат вазирлиги ўтказган кенгашда бу ҳужжат ижросини ва мазкур Қонун қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди. Муҳим масаланинг муҳокамасида Қорақалпоғистон Республикаси, Меҳнат вазирлигининг, вилоятлар идораларининг раҳбарлари, бошқа манфаатдор шахслар қатнашдилар.

Кенгашда Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, меҳнат вазири А. Р. Отажонов нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан яқин вақтда мўлжалланган ҳаракат дастури ишлаб чиқилди.

(ЎзТАГ).

«МУЛОҚОТ»НИНГ ЯНГИ СОНИ

«Мулоқот» ойномасининг биринчи сони босмадан чиқди. Ойнома ўтган йилги анъаналарни бу йил ҳам давом эттирмоқда. Унда турли мавзуларда қизиқарли мақолалар, суҳбатлар, ҳангома, шеър ва эълонлар босилди.

Ойнома халқ сайлаган биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сурати ва ойнома жамоасининг унга табриги билан очилади. Нарзулла Жўраев, иқтисод фанлари доктори Нурислом Тўхлиев, Фрунзе Жўраевларнинг сиёсат, иқтисод ва унинг оқибатлари ҳақидаги мақолалари бугунги кунимиз муаммолари ҳақида қизиқарли маълумотлар беради.

Тарих фанлари доктори Карим Шониёзовнинг қадимий Қанғар давлати ҳақидаги мақоласи ҳам Ватанимиз ва халқимиз тарихи, тақдири ҳақидаги тасаввуримизни бойитади. Тарихимиздаги оқ доғларни камайтиришга хизмат қилади.

Шойим Бўтаевнинг ёзувчи Саид Аҳмад билан суҳбати муҳлисларда яхши таассурот қолдиради.

«Арастунинг Искандарга насиҳатлари» (форсчадан таржима), Олтинхон Тўра ҳақидаги «Ватандош туҳфаси», Ҳамид Сулаймоннинг Алишер Навоий асарларига ёзган, лекин босилмай қолган мақоласи муштарийларни хурсанд қилади.

«Мулоқот» дафинаси» рукни остида ҳам қизиқарли маълумотлар, воқеалар ёритилган.

Тайлоқ районидаги Киров номли жамоа хўжалигида бу йил режадаги 225 тонна ўрнига 235 тонна лимон етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Аҳтам Норматов мудирлик қилаётган лимонарийда Бахтиёр Қурбонов, Қобил Шаропов, Фурқат Неъматов кабиларнинг меҳнатлари унумли бўляпти.

СУРАТДА: (чапдан) Б. Қурбонов, Қ. Шаропов ва Ф. Неъматовлар.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

ҚУРОЛ КИМГА АТАЛҒАН ЭДИ?

Яқинда И. А. Каримов кишилар олдидаги нутқларининг бирида Когонда бир гуруҳ жиноятчилар қурол-яроғ билан қўлга олинганини маълум қилган эди. Воқеанинг баёни шундай.

Москва — Душанбе тезюрар поездида қандай сир-синоат бор? Нега кейинги пайтда қурол-яроғ, наркотик моддаларни ташиётган кўпчилик шахслар сафар учун мана шу поездни танлашмоқда?

Жумҳурият транспорт милициясининг Когон бўлими ходимлари мана шу саволларга жавоб излашмоқда. Кейинги бир ой мобайнида мазкур поездда бир неча марта шундай ҳодисалар содир бўлди.

Жумладан, 11 январь куни шу поезднинг 13-вагонида 20 килограмм наркотик моддани чамадонига жойлаб сафарга чиққан шахс милиция ходимлари назорати остига тушганлигини пайқаб, ўзини поездан ташлаб жуфтакни ростлашга уринди. Аммо изқуварларнинг чаққонлиги туфайли қўлга олинди.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас худди шу поездда сафар қилаётган яна бир шахс наркотик модда ҳамда жанговар граната билан ушланди. Айни маҳалда бу иккала ҳодиса бўйича ҳам тергов олиб борилмоқда.

Лекин ҳаммасидан 20 январь куни шу поездда юз берган воқеа ошиб тушди. Милиция ходимлари поезд купеларининг бирида бамайлихотир дам олаётган икки кишидан гумон пайдо қилишди. Уларнинг ҳужжатлари, чамадонларини текшириш учун ўта хушёрлик кўрсатишга тўғри келди. Зероки, уларнинг иккаласи ҳам пухта жисмоний тайёргарликка эга бўлган кишилар эканликлари яққол кўриниб турарди.

Шунинг учун купега киришдан олдин тўсатдан содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳодисанинг олдини олиш тадбирлари кўрилди. Натижада, улар қандай қилиб қўлга олинганликларини ҳам сезмай эсанкираб қолишди. Мазкур шахсларнинг чамадонлари текширилганда, ундан 88 та «РГД—5» маркали жанговар граната ҳамда наркотик модда чиқди.

Хавфли жиноятчиларни қўлга олиш пайтида озгина эҳтиётсизликка йўл қўйилиб гранаталарнинг биттаси портлатилган тақдирда ҳам бир вагон бегуноҳ йўловчи нобуд бўлиши шубҳасиз эди.

Транспорт милицияси Когон бўлимига олиб келтирилган жиноятчилар кўп ўтмай ўзларини тутиб олишди. Улардан бири овқатланиш пайтида атайлаб қошиқни ютиб юборib, ўзини дарҳол касалхонага ётқизишни талаб қилди. Бу ҳаракатдан мақсад ўз жонига қасд қилиш эмас, балки даволаниш пайтида таъқибдан қочиш эди, албатта. Буни сезган милиция ходимлари эҳтиёт чораларни янада кучайтиришди.

— Айни маҳалда, — дейди транспорт милициясининг Когон бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Т. Ҳайитов, — бу иш бўйича ҳам тергов давом этмоқда. Асосий мақсад—жанговар гранаталар сингари оммавий қирғин воситаси кимдан олингани ва кимга аталганини аниқлаш, албатта...

Милиция бошлиғи жиноятчиларнинг исм-фамилияси, миллати, қаердан қаергача сафар қилаётганини тергов жараёнига зиён етказмаслик учун бизга айтмади. Ўйлаймизки, келгусида муштарийларимизга бу тўғрида батафсил ахборот бериш имкониятига эга бўламиз.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *СПОРТ* •

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БЕЛЛАШУВДА

● РЯЗАНЬ шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги очиқ чемпионати ниҳоясига етди. Бу ерда дзюдо кураши бўйича турли шаҳарлардан тўпланган полвонлар ғолиблик учун беллашдилар.

Мусобақада Ўзбекистон Республикаси спортчилари ҳам бўш келмасликка ҳаракат қилишди. Жумладан, А. Герасимов билан В. Козунина ўз вазнлари бўйича чемпионатнинг бронза медалларига эга бўлишди. Чирчиқлик Дмитрий Соловьев мутлақ вазндаги полвонлар орасида ҳал қилувчи беллашувни кутаисилик Д. Хахалеишвили билан ўтказиб, чемпионатнинг кумуш медалига эга бўлди.

МАРРАДА БИРИНЧИ

● ЕНГИЛ атлетикачилар мавсумга пухта ҳозирлик кўришмоқда. Ҳозирча улар ёпиқ майдонларда ўтказилаётган мусобақаларда машқларини тобига етказишмоқда.

Яқинда Москвада қишки чемпионат ўтказилди. Турли шаҳарлардан тўпланган енгил атлетикачилар ўзаро баҳслашдилар. Тошкентлик таниқли югурувчи Марина Шмонина мутахассислар ишончини оқлади. У чигилёзди баҳс лари бўлишига қарамай, астойдил курашди. Спортчимиз 300 метрли масофани 36, 87 секундда босиб ўтиб, мухлислар эътиборини қозонди.

САФАРДА ҒАЛАБА

● МУСТАҚИЛ Давлатлар Ҳамдўстлиги футбол терма жамоаси шу кунларда АҚШ бўйлаб сафарда юрибди.

Футболчилар устози А. Бишовец бошчилигидаги 18 нафар ўйинчи Европа чемпионатига ҳозирлик кўрмоқда. Футболчиларимиз сафардаги дастлабки халқаро ўртоқлик учрашувида ғалаба қозонишди. Учрашув 1:0 ҳисобида якунланди. Терма жамоа аъзолари орасида пахтакорчи Андрей Пятницкий ҳам иштирок этмоқда.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИНИ

Ўзбекистон қишлоқни ичимлик суви билан таъминлаш ва канализациялаштириш жумҳурият ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Сурхондарё вилояти ичимлик суви ишлаб чиқариш, таъминлаш, бошқариш трестининг раҳбари С. Д. Турсуновга ўғли

Зафар Суюнович ТУРСУНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон «Билим» жамияти Бошқаруви жамоаси масъул ходим Н. Исматуллаевга қизи

НАРГИЗАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Биоорганик кимё илмгоҳи жамоаси кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим

Хўжа Исаевич ИСАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат техника дорилфунуни ректорати ва жамоат ташкилотлари ҳамда «2 олий риёзиёт» таҳсилгоҳи жамоаси, таҳсилгоҳ доценти Н. А. Акбархўжаевга рафиқаси

Хадичахон АКБАРХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўздавширкаттаъминот» бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ва Тошкент идишни қайта таъмирлаш корхонаси жамоалари Тошкент идишни қайта таъмирлаш корхонасининг бош муҳандиси

Қўрғонбек НУРУНБЕТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театри жамоаси театр актёри, Ўзбекистон халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг совриндори Т. Т. Азизовга онаси

Комилахон АЗИЗОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон давлат телерадиокомпаниясининг Ўзбекистон телевидениеси жамоаси «Ўзбекистон» ахборот кўрсатувлари муҳарририяти катта муҳаррири К. Хўжаевага онаси

ПОШШАХОН КАТТАХОН қизи ХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Средазжелдорресторан» бирлашмаси, «Вагтрест» Тошкент хўжалик ҳисобидаги корхонаси, Тошкент станцияси темир йўл ресторани жамоалари бирлашма директори Т. Т. Азизовга онаси

Комилахон АЗИЗОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. К. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. К. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб.) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-11-13, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия ҳаёти, ёшлар ҳаёти, назария ва маданият — 33-21-69, 32-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 33-54-18; саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт — 33-47-30, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик, саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-42-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 32-70-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий саёҳатшунослик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ХОДИМЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-26-17, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-60-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета народно-демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 11.

№ 21.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.